

ТОШКЕНТ

Оқшом

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. №№ 272-273 (7. 361-7. 362) 1990 йил 29 ноябрь, пайшанба Баҳоси 4-тийин.

Ўзбекистон Компартияси
Харакат дастури ва
Устави лойиҳалари муҳокамада

ТАШКИЛОТНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёргарлик кўриладиган ҳозирги вақтда Коммунистик партия ва унинг ташкилотлари фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Коммунистик партияси асосий ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилишда бу масала кўпгина баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Партия ташкилотлари фаолиятини молиявий таъминлаш хусусида бийдириладиган фикрларини Собир Раҳимов ноҳия партия кўмитаси ташкилий бўлимининг мудири Р. Туропов қуйдагича шарҳлайди:

— Устав лойиҳасида Компартиянинг пул маблағи аъзолик бадалларидан, наشريёт, ишлаб чиқариш фаолиятидан, бошқа тушумлардан таркиб топиши кўрсатилган.

Партия ташкилотлари пул даромадларининг асосий қисmini аъзолик бадаллари ташкил этади. Лойиҳада кўрсатилган аъзолик бадалларининг миқдори ҳақида турлича фикрлар бийдириляпти. Хусусан, Ўзбекистон Давлат стандарти коммунистлари Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави лойиҳаси 42-бандининг аъзолик бадаллари миқдорига тегишли қисmini қуйдагича тахрирда бериш керак, деб тақлиф қилди:

даромад 70 сўмгача бўлганда — 10 тийин.
71 сўмдан — 100 сўмгача — 20 тийин.
101 сўмдан — 150 сўмгача — 30 тийин.
151 сўмдан — 350 сўмгача — 1 фоз.
350 сўмдан ошганда — 2 фоз.

Иккинчи туғруқхона бошланғич партия ташкилотиде бўлиб ўтган партия йиғилишида эса шу бандга «Партия аъзолик бадаллари даромад солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда қўлади», деган жумлани қўшиб қўйиш кераклиги тилга олинди.

Партия аъзолик бадалларидан тушган пулнинг муайян қисmini бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлашга ажратиш ҳақида Устав лойиҳасида қайд этилган тартиб ҳам коммунистларда кўплаб саволлар туғдирапти. Уларнинг анчагина қисми лойиҳада келтирилган ҳар икки вариант ҳам тахрирга муҳтож, деб ҳисобламоқдалар. Масалан, 3-ўйсозлик комбинати коммунистлари Устав лойиҳасининг 6-бўлимига «Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятларини маблағ билан таъминлаш учун партия аъзолик бадалларидан тушган пулнинг 50 фозингача бўлган қисmini ўзлариде қолдирадлар», деган жумлани қўшиб қўйишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблашди. Табиат музейи коммунистлари эса шу бўлимининг 44-бандини қуйдагича тахрирда бериш керак, деган тақлиф киритдилар: «Бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партия аъзолик бадалларининг камиде 50 фозин ажратилди».

3-ўйсозлик комбинати коммунистлари Устав лойиҳаси 6-бўлимига «Партия кирувчилар синов мuddати даврида партия аъзолик бадалини қўлашдан овоз қилинади», деган жумлани киритишни маъқул кўрмоқдалар. Ноҳия халқ таълими бўлими коммунистлари эса Устав лойиҳасида партия аъзолик бадалларидан тушган пулни бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини маблағ билан таъминлашга ажратиш бўйича иккинчи вариантда келтирилган фикрлар тўғрисида, деган қарорга келдилар.

Табиики, бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтаётган йиғилишларда коммунистлар Харакат дастури ва Устав лойиҳалари бўйича бошқа диққатга сазовор тақлифларини ҳам ўртага ташламоқдалар. Масалан, Ўзбекистон Давлат стандарти коммунистлари Устав лойиҳаси 27-бандининг сўнги жумласини қуйдагича беришни мақсадга мувофиқ дедилар: «Вужудга келган келишмовчиликларни кўча плеумида ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда тегишли партия ташкилотининг навбатдан ташқари конференцияси чакирладил».

Илригача бўйича давлат конструкторлик бюроси коммунистлари эса Устав лойиҳаси 23-бандини ушбу тахрирда бериш айтиш мuddалигини таъкидладилар: «Бошланғич партия ташкилотлари камиде уч партия аъзоси бўлган тақдирда уларнинг ташаббусига бийоан йиғилиш қарори билан тузилади. Уларни рўйхатга олиш масаласини район, шаҳар партия кўмитасининг бюроси ҳал қилади».

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМХУРИЯТИМИЗДА

Кеча Тошкентда Ўзбекистон ССЖ билан Хитой Халқ Жумхуриятининг Шинжон-Уйғур мухтор ноҳисси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

Тошкентда кеча ўз ишмини бошлаган жумхурият кенгашида олий ўқув юртиларда икитимий феллердан дорс беришни қайта қуриш муаммолари муҳокама этилмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗДА

27 ноябрь кунин Марказий телевидение орқали сўзга чиққан ССЖИ мудофеа вазири Д. Т. Язов қатор жумхуриятларда мамлекет мудофеа қобилиятини хавф остига қўйган халқ-ҳаракатларни кескин қоралаб, бунга барҳам бериш мақсадида белгиланган чораларни бийн қилди.

Кеча ўз ишмини аяунлаган ССЖИ Журналистлар уюшмасининг пленумида мамлакат журналистларининг VII съездининг келгуси йил 6 февралда Москвада чакирлишга қарор қилинди.

Москвада «Торпедо» билан Франциянинг «Монако» командалари ўртасида УЕФА соврини учун ўтказилган нимчорак беллашув 2:1 ҳисобиде аяунланди.

ХОРИЖДА

Жон Мейжор Буюк Британия консерватив партиясининг етакчиси қилиб сайланди. У ҳозиргаче мамлакат молия вазири вазифасини эгаллаб турган эди. Энди Ж. Мейжор Маргарет Тетчер ўрнига Бош вазирилик лавозимини эгаллади. Буюк Британия қироличаси унга ҳукумат маҳкамасини тузишни топширди.

Бангладеш Президентини мамлакатда фақулдда ҳолат жорий этилганлигини маълум қилди. Бу қарор пойтахтда оппозициянинг икки етакчиси қамоққа олинганилигига қарши оммавий норозилик намойиши ўтказилганидан сўнг қабул қилинди.

Бугунги кун нафаси



ЁШЛИК ЖЎШҚИНЛИГИ ҲЕЧ ҚАЧОН СЎНМАС!



28 ноябрь кунин Тошкентда Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ешлар Иттифокининг XXIV съезди иш бошлади.

Съездин Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Кўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носиров очди.

Делегатлар съездин ишчи органлари — раёсат, тахрир коммиссии, котибиятин сайладилар.

Съезд кун тартибиде Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий

Кўмитасининг ҳисоботи, Ўзбекистон ЛКЕИ Тафтиш коммиссиининг ҳисоботи, комсомолдан сайланган ССЖИ халқ депутатлари фаолияти тўғрисида ахборот бор. Делегатлар Ўзбекистон ЛКЕИ дастури тўғрисида, Ўзбекистон ЛКЕИ Устави ҳақида, «Ўзбекистон ЛКЕИ комсомол ташкилотларининг назорат коммиссиялари ҳақида»ги инзом тўғрисида, «Ўзбекистон ССЖИ давлатининг ешларга онд

сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон ССЖИ Қонуни лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон ЛКЕИ раҳбар органларини сайлаш тўғрисидаги масалаларни ҳам муҳокама қилдилар.

Жумхурият ЛКЕИ Марказий Кўмитасининг биринчи котиби А. Н. Носиров ҳисобот маърузасини қилди.

Ўзбекистон ЛКЕИ тафтиш коммиссиининг раиси Б. Ҳ. Убайдуллаев коммиссиининг ҳисобот маърузасини қилди.



Ешлар анкуманининг делегатлари ялпи мажлисдан кейин «Комсомол дастури ва устави», «ССЖИда ешлар сиёсати тўғрисида», «Комсомол ва халқ таълими муаммолари», «Комсомолда ҳисобга олиш ва тафтиш» муаммо марказларида иш бошладилар. Ўзбекистон комсомол съездининг биринчи иш куниде Ўзбекистон ССЖ Президентини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби Н. А.

Каримов, жумхурият вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг котиблари А. И. Иброҳимов, Р. А. Попов, Ж. Ҳ. Ҳамидов, Тошкент шаҳар партия кўмитасининг биринчи котиби А. И. Фозилбеков, КПСС Марказий Кў-

митасининг масъул ходими Н. А. Новожилов, БЛКЕИ Марказий Кўмитасининг биринчи котиби В. М. Зюкин иштирок этдилар.

Съезд ўз ишмини давом эттирмоқда.

(ЎЗАТА).

© СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ЛКЕИ XXIV съездида.

Р. Альбеков суратлари.

ЯНГИ ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИНИНГ ЛОЙИХАСИ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Иттифокдош жумхуриятларнинг Олий Кенгашларига, мухтор жумхуриятларнинг Олий Кенгашларига, мухтор вилоятлар ва мухтор округларнинг халқ депутатлари кенгашларига янги Иттифок Шартномасининг лойиҳасини юборди.

Лойиҳа ССЖИ Олий Кенгашига тақдим этилди.

Хужжат жумхуриятларнинг вакиллари билан маслаҳатлашулар ва Федерация Кенгашидан муҳокама натижасида илмий муассасалар, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг тақлифларини ҳисобга олиб тайёрланди.

(Янги Иттифок Шартномаси лойиҳаси рўзманининг иккинчи саҳифасида босилмоқда).

ССЖИ Олий Кенгашининг қарори

Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида

Мамлакатдаги вазият ҳамон ёмонлашиб бормоқда ва қалтис ҳолатга яқинлашмоқда. Сийсий, икитимий-иқтисодий соҳалардаги ва истеъмол бозоридеги аҳвол мурракбашмоқда. Товар-пул муносабатлари бузилган. Миллатлараро муносабатлар кескинлашган хатарли тузилди. Иқтисодий ҳолатини тизимсиз барбод бўлмоқда. Пинҳоний иқтисодиётнинг салбий таъсири кучайиб, интизом ва тартиб пасайиб кетмоқда, жиноятчилик кў-

паймоқда. Мамлакатда туб чоралар қўришни тақозо этаётган даврулдода вазият вужудга келди. Айтиш тақдирда ССЖИ Олий Кенгаши жумхуриятлар Олий Кенгашлари ва иқтисодий бошқарув идоралари фаолиятидаги номувуфиқлик мамлакатдаги икитимий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда. Турли даражадаги қонуни чинарғувчи идораларнинг бир-бирига зид ҳужжатларни қабул қилиш кўпаймоқда. Қабул қилинаёт-

ган қонулар ва ССЖИ Президентининг фармонлари кўп ҳолларда бажарилмай қолмоқда ёни қўнғидеги натижаларни бермапти. Шу муносабат билан ССЖИ Олий Кенгаши мустақил жумхуриятларнинг мафсааларини таъминловчи янги Иттифок Шартномаси асосида ССЖИ Иттифокини сақлаб қолиш зарурлигини эътироф этиб, оралик тадбири сифатида ССЖИ Иттифок билан федерация субъектлари ўртасида қонун чиқариш ва иқ-

тисодий фаолият соҳасида ваколатларини фарқлаб қўйишга доир ССЖИ қонуналарига асосланувчи икки томонлама ва кўп томонлама битимлар тузишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

ССЖИ Президентининг жумхуриятлар раҳбарлари ва ССЖИ халқ депутатларининг тақлифларига асосланиб, ССЖИ Олий Кенгаши қарор қилади:

(Давоми 2-бетда).

Истеъмол буюмлари манзурми?

ФАҚАТ ФОЙДА КЎРИЛМОҚДА

АСБОВСОЗЛИК ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Гвардия» кўчасидаги филиали ўзига хос йирик корхона ҳисобланади. Чунки бу ерда бир неча пехлар жойлашган бўлиб уларда турли миллат вакиллари баҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишади. Бу борада корхонанинг биргина истеъмол буюмлари цехини мисол келтиришимиз мумкин. Цехда 60 дан ортиқ киши ишлейди. Уларнинг кучи билан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариладил. Агар бир кунда тайёрланган маҳсулот пулгача қачинисе 6 минг сўмдан ортиқ кўрсаткични ташкил қилади.

Айниқса, жамоа томонидан ишлаб чиқариладиган тоқ қайчи, туноука қайчи, болалар ўйинқорларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шунинг назарда тутиб ўшбу харидорлар маҳсулотлар сонини кўпайтириш чора-тадбирлари қўриладил. Биргина тоқ қайчининг ўзидан бир кунда 2 мингдан ортиқ тайёрланаётгани фикримизнинг далилидир.

Цех маҳсулотларининг тури йил сайин кенгайиб бораётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Масалан, сўнги йилларда бу ерда кичиктойлар учун мулжалланган каравот деталлари, гилдираклик оёқчалар, пушингдек, мактаб кувчилари учун ўқув қуроллари йиғмаси тайёрлана бошланди.

Ишлаб чиқариш қувватини ошириш албатта биринчи навбедта техника тараққиётига боғлиқ. Шунинг эътиборига олиб жамоа ҳар йили эски қурилмаларни янгисин билан алмаштириш тадбирларини белгиламоқда. Ўтган йили бу ерда саккизта дастоҳ янгисин билан алмаштирилганлиги меҳнат унумдор-

лигини икки ҳисса ошириб юборди. Яна бир янгилик шундан иборатки, ушбу цех шу йили атрофда жойлашган мактаб ўқувчилари учун тажриба маскани вазифасини ўтайди. Техникага қизиқувчи ўқувчилар ҳафтаини маълум кунларда бу ерга келиб мураббий ишчилардан тажриба ўрғанадилар. Ҳозир бундай ешлар сафи 40 тадан ошиб кетди.

Бу тажриба ўз самарасини кўрсатди. — дейди цехнинг кеска ишчиси, III даражали Меҳнат Шухрати орденининг ишондори Ҳ. Носиров. — Бу йил ўрта мактабин тугаллаган бир неча ешлар ўз хоҳишлари билан сафимизда қолишди. Ҳозир улар биз билан ёнма-ён туришиб меҳнат қилишляпти.

Жамоанинги ўз илгорлари бор. Улар — Мели Маҳамов, Татьяна Поповская, Риди Исмоилов, Зинфия Абдуллаева-лардир. Агар эътибор берган бўлсангиз улар турли миллат кишиларини. Лекин дўстлик қўшидан нур эмган аҳил жамоа қўлини-қўлга бериб ишляпти.

— Ҳозир бозор иқтисодиётга ўтишга қизгин тайёргарлик бораётган дамларда цех ишчилари бир неча турдаги янги маҳсулотларини ишлаб чиқариш режасини белгилашляпти. Бу маҳсулотлар турли катталиқдаги янги зулфинлар, кулфлар, болалар учун қурилмалар ва бошқалардан иборат. — дейди Ҳ. Носиров сўзини давом эттириб.

Агар бир ойда цехда 130 минг сўмлик атрофда маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлигини айтадиган бўлсан жамоанинги корхона учун қанчалик фойда келтираётгани аён бўлади-қолади.

М. ОРИПОВ.

Электр поездлари Ховосгача боради

27 ноябрь кунин «Ўзбекистон» бекатидан «Ховос» бекатига электр поездларининг мунтазам қитнов бошланди.

Аваллари «Ўзбекистон» қуввати билан юрадиган ма- бекати ўзига хос юк тушириб, шиналарда келарди, Ховос- гача бўлган йўлда эса тепло- возлардан фойдаланилар эди. Энди «шатакчиларни» ўзгар-

тиришга зарура қолмади. Ченгелдидан Ховосгача бўлган 240 километр йўл тўла электрлаштирилди.

Урта Оснё темир йўлида электрлаштириш ишлари да- вом этмоқда. Ҳозир Самар- канд ва Кўкон йўналишлари- даги йўллар электрлаштирил- моқда.

(ЎЗАТА).



Ҳолдда Қорабоева ўн йилдан бери шахримиздаги «Шарқ гули» бадний буюмлар фабрикасида тикувчилик кас- бини аъзолаб келадил. У самарали ме- хнати учун бир неча бор корхона маъ-

мурияти ва насаба уюшмасининг фах- рий ёрлиқларини олишга сазовор бўл- ган.

Х. Мирзакаримов сурати.

ИТТИФОҚ ШАРТНОМАСИ

Шартномада қатнашувчи мустақил жумҳуриятлар,

халқларнинг ўз иттифоқини янгилашга бўлган ҳоҳиш-иродасини, ифодадан, тарихий тақдирларининг яқинлигига асосланиб, тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш, дўстлик, интиқдорликка яшаш мудоабаси билан;

халқларнинг моддий фаровонлиги ва маънавий ривожланиши, миллий маданиятларини ўзаро бойитиш,

умумий ҳавфсизликни таъминлаш манфаатларини назарда тутиб;

ўтмишдан сабоқ чиқариб ҳамда мамлакат турмушидаги ва бутун дунёдаги ўзгаришларни эътиборга олиб;

мустақил Совет Жумҳуриятлари Иттифоқида ўз муносабатларини янги асосда қуришга қарор бердилар.

I. АСОСИЙ ҚОНДАЛАР

Биринчи. Шартномада қатнашувчи ҳар бир жумҳурият мустақил давлатдир ва ўз ҳудудиди тўла давлат ҳокимиятига эгадир.

ССЖ Иттифоқи — жумҳуриятларнинг ихтиёрий бириктирилган натижасида тузилган ва шартнома қатнашчилари берган ваколатлар доирасида давлат ҳокимиятини амалга оширадиган мустақил федератив давлатдир.

Иккинчи. Мустақил Совет Жумҳуриятлари Иттифоқини ташкил этувчи жумҳуриятлар ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга ва ўзини ўзи бошқаришга, ўз тараққиётининг барча масалаларини мустақил ҳал этишга бўлган ҳақлиқ ҳуқуқини эътироф этадилар. Улар ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқлар ҳуқуқларини чекаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқадилар. Шартнома қатнашчилари умумшарий ва миллий қадриятларини ўзини боғлашга амал қиладилар.

Учинчи. Жумҳуриятлар БМТнинг Умумий декларациясида ва халқаро битимларда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари устунилигини ўз бириктирилган энг муҳим қондаси деб эътироф этадилар. ССЖИ фуқароларининг она тилини ўрганиш ва ундан фойдаланиш имкониятига, бемалол ахборот олишга, диний эътиқод эркинлигига ҳамда бошқа сиёсий ва шахсий эркинликларига кафолат берилади.

Тўртинчи. Жумҳуриятлар фуқаролар жамаиятини шакллантириш ва уни ривож-

лантириш эркинлик ва фаровонлигининг энг муҳим шартини деб биладилар. Улар мулк ва ҳужалик юртиш усуллари шаклланиши эркин таянш, ижтимоий адолат ва ҳимояланган қондаларини рўбга чиқариш асосида одамларнинг эътиёжини қондиришга интиладилар.

Бешинчи. Жумҳуриятлар ўзларининг давлат тузумини, маъмурий-ҳудудий бўлинишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари системасини мустақил белгилайдилар. Улар халқ вакилликка асосланган демократияни умумий энг муҳим қонда деб эътироф этадилар ҳамда авторитаризм ва зуравонликка бўлган ҳар қандай таъйинларга қарши қатъий бўлиб, хизмат қиладиган ҳуқуқий давлатни барпо этишга интиладилар.

Олтинчи. Жумҳуриятлар миллий анъаналарини сақлаб қолиши ва ривожлантириш, татил, фан ва маданиятга давлат томонидан ёрдам берилишини ўзларининг муҳим вазифаси деб ҳисоблайдилар. Улар мамлакат ва бутун дунё халқларининг инсонпарвар маънавий қадриятларини жадал айирбошлашга ва уларнинг бири-бирини ўзаро бойитишга қўмақлашадилар.

Еттинчи. Жумҳуриятлар маълум қиладиган, мустақам тинчлик, даро қуролчи ва бошқа оммавий қирқин хурулини тутатиш, инсоният олдига турган бошқа ҳамма жаҳоншумул муаммоларни ҳал этишда давлатларнинг ҳамкорлиги ва халқларнинг бирдамлиги — ўзларининг халқаро майдондаги асосий мақсадларидир.

II. ИТТИФОҚНИНГ ТУЗИЛИШИ

1-модда. Иттифоқда аъзолик

Жумҳуриятларнинг ССЖ Иттифоқидан аъзолиги ихтиёрийдир.

Шартномада қатнашувчи жумҳуриятлар бевосита ёки бошқа жумҳуриятлар таркибида Иттифоққа киридилар, бу эса уларнинг ҳуқуқларини камситмайди ва олган шартнома юзасидан уларни мажбуриятларидан халос этмайди.

Бир бошқаруш таркибига кириданган жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар улар ўртасидаги шартномалар ва битимлар билан тартибга солиб турилади.

Иттифоқ аъзолари Шартнома шартларини ва ўзи қабул қилган мажбуриятларини буютириш жумҳуриятнинг ССЖИга аъзолигини тўхтатиш тўғрисидаги масалани ўртага қўйишлари мумкин.

2-модда. Фуқаролик

ССЖ Иттифоқига кирувчи жумҳурият фуқароси айтилганда ССЖИ фуқаросидир.

Фуқаролар ССЖИ Конституциясида, қонунларида ва халқаро шартномаларида мустақам белгилаб қўйил-

ган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эгадирлар.

3-модда. Худуд ССЖ Иттифоқи худуди Шартномада қатнашувчи барча жумҳуриятларнинг ҳудудларидан иборат.

Жумҳуриятлар ўртасидаги чегаралар фақат улар ўртасидаги келишувга биноан ўзгарилиши мумкин. Жумҳуриятлар ўз ҳудудидан истиқомат қиладиган барча халқларнинг сиёсий ҳуқуқларига ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш имкониятларига кафолат бериладилар.

4-модда. Жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар

Шартномада қатнашувчи жумҳуриятлар ўзларининг Иттифоқ таркибидagi ўзаро муносабатларини тенглик, мустақиллиги, ҳудудий яқинлигини ҳурмат қилиш, ички ишларга аралашмаслик, барча низоларни тинч воситалар билан ҳал этиш, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам асосига, Иттифоқ шартномаси ва жумҳуриятлараро битимлар юзасидан олган мажбуриятларини виждонан бажариш асосига қурадилар.

Жумҳуриятлар ўз ҳудудидан ҳоржий давлатларнинг

қурулди қисмлари ва ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслик, Иттифоқ мақсадларига эид бўлган ёки Иттифоққа кирувчи жумҳуриятларнинг манфаатларига қарши қаратилган битимлар тузмаслик мажбуриятини оладилар.

5-модда. Иттифоқнинг ваколатлари

Шартнома қатнашчилари ССЖИ Иттифоқига:

1) ССЖИ Конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш; жумҳуриятлар билан биргаликда ССЖИ фуқароларининг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш;

2) Иттифоқнинг мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини ҳимоя қилиш; ССЖИ Давлат чегарасини белгилаш ва қўриқлаш; ССЖИ давлат ҳавфсизлигини таъминлаш; мудоабаси ташкил этиш ва ССЖИ Қурулди Қўларига раҳбарлик қилиш; уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш;

3) Иттифоқнинг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ССЖИнинг халқаро шартномаларини тузиш; бошқа давлатлар билан муносабатларда ва халқаро ташкилотларда Иттифоқ номидан вакиллик қилиш; жумҳуриятларнинг ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш; ССЖИнинг ташқи иқтисодий фаолиятини бошқариш ва жумҳуриятларнинг ташқи иқтисодий алоқаларини мувофиқлаштириш; бошқона иш;

4) Жумҳуриятлар билан биргаликда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини белгилаш ва ўзлаштириш бозорини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш; умумий валютага асосланган ягона молиявий, кредит ва пул сиёсатини ўтказиш; Иттифоқ бюджетини тузиш ва ижро этиш; олтин запаси ва олмос жамғармасини сақлаш ҳамда улардан жумҳуриятлар билан келишиб фойдаланиш; Умумиттифоқ дастурларини амалга ошириш, ривожланиш жамғармаларини, табиий оғдатлар ва фалокатларнинг оқибатларини тутатиш жамғармаларини ташкил этиш;

5) Жумҳуриятлар билан бирга мамлакатнинг ягона еқилиш-иқтисодий система-сини, темир йўл, ҳаво, деңиз транспортини ва магистрал қувурларини боқариш; мудоабаси корхоналарини, космик тадқиқотларини, алоқа ва ахборот, геодезия, картография, метрология ва стандартлаш Иттифоқ системаларини боқариш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш асосларини белгилаш, келишиб олган экология сиёсатини ўтказиш;

6) Жумҳуриятлар билан биргаликда меҳнат шариоитини, темир йўл, ҳаво, деңиз транспортини ва магистрал қувурларини боқариш; мудоабаси корхоналарини, космик тадқиқотларини, алоқа ва ахборот, геодезия, картография, метрология ва стандартлаш Иттифоқ системаларини боқариш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш асосларини белгилаш, келишиб олган экология сиёсатини ўтказиш;

7) Маданат ва маориф, фундаментал илмий тадқиқотлар ва фан-техника тараққиётини рағбатлантириш соҳасида жумҳуриятлараро ҳамкорлиги мувофиқлаштириш;

8) Жумҳуриятлар билан келишилган масалалар юзасидан Қонун асосларини белгилаш; жамоат тартибни сақлашдаги ва жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатларини берадилар.

Иттифоқнинг ваколатлари барча жумҳуриятларнинг розилигисиз ўзгарилиши мумкин эмас.

6-модда. Иттифоқнинг ваколатларини амалга оши-

ришда жумҳуриятларнинг иштироки

Жумҳуриятлар Иттифоқ идораларини биргаликда шакллантириш, манфаатлар ва ҳаракатларини келиштириб олишнинг бошқа воситалари ва тартиб қондаларини юзга келтириш орқали ССЖИ Иттифоқнинг ваколатларини амалга оширишда қатнашадилар.

Ҳар бир жумҳурият ССЖИ Иттифоқи билан битим тузиш йўли орқали унга ўзининг айтим ваколатларини қўшимча тарзда бериши, Иттифоқ эса барча жумҳуриятларнинг розилиги билан улардан бирига ёки бир нечасига улар ҳудудидида рўбга чиқариш учун ўзининг айтим ваколатларини бериши мумкин.

7-модда. Мулкчилик ССЖИ Иттифоқи ва жумҳуриятлар мулкчиликнинг барча шакллари, шу жумладан фуқаролар ҳамда улар бирлашмаларининг мулк, давлат мулкни эркин ривожланишини ва улар ҳимоя қилинишини таъминлайдилар.

Жумҳуриятлар ўз ҳудудларидида ерининг, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурсларининг, шунингдек давлат мол-мулкни ҳисусий эгаларидир, буларнинг ССЖИ Иттифоқи ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган қисми бундан истиснодир.

Ерга, унинг ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурсларига эгалик муносабатларини жумҳуриятларнинг қонунлари билан тартибга солиб туриш Иттифоқ ваколатларини рўбга чиқариш тўққилик қилмаслиги керак.

8-модда. Солиқлар ва йнгиимлар

Жумҳуриятлар ўз бюджетларини мустақил белгилайдилар, жумҳурият солиқлари ва йнгиимларини жорий қиладилар.

ССЖ Иттифоқи ваколатларини амалга ошириш учун Иттифоқ солиқлари ва йнгиимлари жорий этилади, жумҳуриятлар билан биргаликда умумиттифоқ дастурларини амалга ошириш учун улуш ажратмалари белгила-нади.

9-модда. Қонунлар

Жумҳурият қонунлари жумҳуриятларнинг ҳудудидида Иттифоқ ихтиёрига бериладган масалалардан ташқари барча масалаларда устундир.

ССЖ Иттифоқининг унинг ўз ҳуқуқ доирасида киришган масалалар юзасидан қабул қилган қонунлари устун бўлади ва барча жумҳуриятларнинг ҳудудларидида ижро этилиши мажбурийдир.

Иттифоқнинг Иттифоқ билан жумҳуриятлар ихтиёрига биргаликда боқариш учун берилган масалаларга оид қонунлари агар манфаатларига мазкур қонунлар дахлдор бўлган жумҳурият эътироз билдирмаса амал қила бошлайди.

ССЖ Иттифоқи Конституцияси ва қонунлари, жумҳуриятларнинг Конституциялари ва қонунлари мазкур шартнома қондаларига ва ССЖИ ҳамда жумҳуриятларнинг халқаро мажбуриятларига эид бўлмаслиги керак.

Агар ССЖИ Қонуни жумҳурият Конституциясига эид бўлса ва Иттифоқ ваколатларидан ташқарига чиқса, жумҳурият норозилик билдиришга ҳақлидир. Агар жумҳуриятларнинг қонун ҳужжатлари мазкур Шартномани, ССЖИ Конституциясини ва қонунларини буздирилган бўлса, Иттифоқ норозилик билдиришга ҳақлидир. Иккала ҳолатдаги низо-лар келишиб олинган тартиб-қонда воситаси билан ҳал этилади ёки ССЖИ Конституциявий судига топширилади.

III. ҲОКИМИЯТ ВА БОШҚАРУВ ИДОРАЛАРИ

10-модда. Ҳокимият ва бошқарув идораларини шакллантириш

Иттифоқ ҳокимият ва бошқарув идоралари жумҳуриятларнинг кенг вакиллиги асосида шакллантирилади ҳамда ушбу Шартнома қондаларига қатъий мувофиқ равишда ишлайди.

11-модда. ССЖИ Олий Кенгаши

ССЖИ Олий Кенгаши Иттифоқ қонун чиқарувчилик ҳокимиятини амалга оширади.

ССЖИ Олий Кенгашида икки палата: Иттифоқ Кенгаши ва Миллатлар Кенгаши бўлади. Иттифоқ Кенгашини бутун мамлакат аҳолиси сайловчилар сони теппа-теппа сайлов округларидида сайлайди. Миллатлар Кенгаши келишиб олинган нормаларга мувофиқ жумҳуриятлар олий ваколатли ҳокимият органларининг ва миллий-ҳудудий тузилмалар ҳокимият органларининг делегацияларидан ташкил топади.

Миллатлар Кенгашида ССЖИда яшовчи барча халқларнинг вакилликка кафолат берилади.

12-модда. ССЖИ Президенти

ССЖИ Президенти — олий фармойиш берувчи — ижрочи ҳокимиятга эга бўлган Иттифоқ давлатининг бошлигидир.

ССЖИ Президенти Иттифоқ Шартномасига, ССЖИ Конституцияси ва қонунларига рио этилишининг кафилидир; ССЖИ Қурулди Қўларининг Бош қўмондонидир; ҳоржий мамлакатлар билан муносабатларда Иттифоқ номидан вакил бўлади, ССЖИнинг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади.

Президентини ССЖИ фуқаролари умуман Иттифоқ бўйича ва кўпчилик жумҳуриятларда кўпчилик овоз билан сайлайдилар.

13-модда. ССЖИ вице-президенти

ССЖИ вице-президенти ССЖИ Президенти билан бирга сайланади. ССЖИ вице-президенти ССЖИ Президентининг ваколатига биноан унинг айтим вазифаларини бажарида ҳамда ССЖИ Президенти йўқ бўлган ҳолда ва ўз вазифаларини бажариш имконияти бўлмаганда вақтинча унинг ўрнига ўтади.

14-модда. Федерация кенгаши

Федерация Кенгаши ССЖИ Иттифоқи Президенти раҳбарлигида ССЖИ вице-президенти, жумҳуриятларнинг президентлари (давлат бошқаруш тартибидида) Иттифоқ ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, жумҳуриятларнинг ҳаракатларини келиштириш учун тузилади.

Федерация Кенгаши Иттифоқ ва жумҳуриятлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг фаолиятини мувофиқлаштиришда ва келиштиришда. Иттифоқ Шартномасига рио этилишини кузатиб боради. Совет давлатининг миллий сиёсатини турмушга табиқ этиш чора-тадбирларини белгилайди. Умумиттифоқ аҳамиятга эга молик масалаларини ҳал этишда жумҳуриятларнинг иштирокини таъминлайди.

Миллатлараро муносабатлардаги низоларни ҳал этиш ва можоролли вазиятларни бартараф қилиш юзасидан тасвиялар ишлаб чиқади.

15-модда. ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси

ССЖИ Вазирлар Маҳкамасини ССЖИ Президенти ССЖИ Олий Кенгаши билан келишиб, бош вазир, бош вазирнинг ўринбосарлари, ССЖИ вазирлари, ССЖИ бошқа давлат идораларининг раҳбарларидан иборат таркибда тузади.

ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси таркибига иттифоқдош жумҳуриятлар ҳукуматларининг бошлиқлари лавозимларига кўра киридилар.

ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси ССЖИ Президентига бўйсинади ва ССЖИ Олий Кенгаши олдидида жаовб беради. Давлат бошқаруви масалаларини келишиб ҳал қилиш учун ССЖИ Иттифоқи вазирларидида ва идораларида қолгилар тузади, уларнинг таркибига жумҳуриятларнинг тегишли вазирликлари ва идоралари раҳбарлари лавозимига мувофиқ киридилар.

16-модда. ССЖИ Конституциявий суди

ССЖИ Конституциявий суди ССЖИ ва жумҳуриятлар қонунларининг Иттифоқ Шартномаси билан ССЖИ Конституциясига мувофиқлигини назорат қилади, жумҳуриятлар ўртасидаги Иттифоқ билан жумҳуриятлар ўртасидаги низо-ларни келиштириш тартиб-қондалари воситаси билан ҳал этишга муваффақ бўлин-маса, шу низоларни ҳал этиб беради.

17-модда. Иттифоқ судла-ри

ССЖИ Олий суди, ССЖИ хўжалик суди, ССЖИ Қурулди Қўларидида судлар Иттифоқ судларидир.

ССЖИ Олий суди Иттифоқ судлов ҳокимиятининг олий идорасидир. Жумҳуриятлар олий судлов идораларининг раислари лавозимларига кўра ССЖИ Олий судининг таркибига киридилар.

18-модда. Иттифоқ прокуратураси

ССЖИ Қонун ҳужжатларининг ижросини Иттифоқ прокуратураси назорат қилади, унга ССЖИ Бош прокурори бошчилик қилади.

Жумҳуриятларнинг прокурорлари ССЖИ Прокуратураси ҳайъатининг таркибига киридилар.

19-модда. Иттифоқнинг давлат тили

Шартнома қатнашчилари миллатлараро алоқа воситаси бўлиб қолган рус тилини ССЖИнинг давлат тили деб эътироф қиладилар.

20-модда. Иттифоқнинг пойтахти

Москва шаҳри ССЖИ пойтахтидир.

21-модда. Иттифоқнинг давлат тисмоли

ССЖИ Иттифоқи ўз герби, байроғи ва маҳиясига эгадир.

22-модда. Иттифоқ шартномасининг кучга кириши

Иттифоқ Шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга кириди. Уни имзолаган жумҳуриятлар учун ССЖИ ташкил этилганлиги тўғрисидаги 1922 йил Шартномаси шу кундан бошлаб ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

23-модда. Иттифоқ Шартномасининг ўзгарилиши

Иттифоқ Шартномаси ёки унинг айтим қондалари ССЖИга аъзо бўлган барча давлатларнинг розилиги билангина бекор қилиниши, ўзгарилиши ёки унга қўшимчалар киритилиши мумкин.

МАМЛАКАТДАГИ АҲВОЛ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

1. ССЖИ ва жумҳуриятлар давлат ҳокимиятининг олий ижроия ва бошқарув идоралари, шунингдек маҳаллий давлат идораларининг иш қириши ва фаолият натижалари мамлакатдаги ўзгарган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитга мувофиқ эмас, деб топилсин. Улар тузилиши, вазифаси ва қадрлар жиҳатидан янгилаштириш назарда тутиб, қайта ташкил этилсин.

Ана шу мақсадда ССЖИ Президентига икки ҳафта мuddат ичиди ССЖИ Олий Кенгашига:

ССЖИ Иттифоқи ҳокимиятини анча мустақамлаш ҳамда жумҳуриятлар манфаатларини таъминлаш ва ижроия-бошқарув идоралари раҳбарлари таркибини янгилаш мақсадига ана шу идоралар системасини қайта қуриш тўғрисида;

Федерация Кенгашининг мавжуд ва вазифаларини ўзгариштириш, жумҳуриятлараро иқтисодий комитет ташкил этиш, мол-мулкни монополиядан ва давлат тасаруфидан чиқариш дастурлари ҳамда мол-мулкни хусусийлаштиришнинг бошланган жараёнини тартибга солиб туриш тадбирлари тўғрисида;

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилари ижроия ва бошқарув идоралари тузилишини ва уларнинг вазифаларини такомиллаштириш тўғрисида тақлифлар киришти тасвия этилсин.

Ана шу тақлифлар Федерация Кенгашида олинган муҳома қилиниб, сўнгра ана шу муҳома материаллари билан ССЖИ Олий Кенгашини таништириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Икки ҳафта мuddат ичиди ССЖИ Президенти раҳбарлигида мамлакатдаги озиқ-овқат билан боғлиқ аҳолини таъминлашга барча жумҳуриятлар ва минтақалар Умумиттифоқ ва жумҳуриятлараро фондларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан мажбуриятларини сўзсиз бажаришига оид шовишнинг тадбирлар дастури ишлаб чиқирилиш маълумот учун қабул қилинсин.

Чет эллардан ҳарид қилинаётган ва моддий ёрдам тарзида олинаётган озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш Федерация кенгаши назорати остига олинсин.

ССЖИ Давлат хавфсизлиги комитети идораларига иқтисодий тўққилик қилишга қарши самарали кураш олиб бориш, бунда энг аввало четдан келтириладиган маҳсулотдан аниқ мақсадни кузлаб фойдаланилишини назорат қилишнинг назарда тутиш вазифаси қоклатилсин.

ССЖИ Вазирлар Кенгашига мамлакатдаги мавжуд озиқ-овқат, унинг минтақалар бўйича тақсимланиши ва 1990 йил декабридан 1991 йил мартгача мамлакат аҳолисини таъминлашнинг эҳтимол тузилган нормалари тўғрисидаги маълумотларни 1990 йил 1 декабрида ССЖИ Олий Кенгашига тақдим этиш топширилсин.

3. ССЖИ Президентига фуқароларнинг ССЖИ Конституциясига белгиланган ҳуқуқлари бузилган ва уларнинг ҳаётига, снхат-саломатлигига ҳамда

Дўст билан обод уйинг

УКРАИНАДАН КЕЛГАН МАКТУБ

ҲОШИМЖОН билан маҳалладошимиз. Асли тоjikистонлик бўлган бу йигит билан ёшликдан қадрдонмиз. Унинг отаси иш юзасидан Тошкентга келиб тургун бўлиб қолган. У худди шу ерда укаси Николай билан топилди. Ҳар гал шу укаси билан хат олганида марҳум онасининг «Мана сенга ука олиб келдим», деган сўзларини эслайдим...

Худди кечагидек асимда. Отаси урушга кетиб, она-бола катта ҳовлида ёлғиз ҳувилаб қолишди. Турмушлари ночор, улар онасининг фабрикада ишлаб топган арзимас маошига кундалик ҳаётини зўр-базўр ўтказиб туришарди. Шундай кунларнинг бирида онаси ёшгина болани қўлидан етказиб уйга хурсанд кириб келди.

— Мана сенга ука олиб келдим, ўғлим! Онасининг бу сўзидан Ҳошимжон бир зум талмовсираб қолди. «Сочлари ўсиб, хурпайиб кетган бу пахмоқ бола унга қанақа ука бўлсин».

Остонада бегона аёл кўринди. У ҳовлига қираркан онасининг мулозаматидан ҳижолат чекиб нуқул биргина «Спасибо!» деган сўзни такрорларди. Шунда онаси: «Тортинманг синглим. Мана шу уй сизники», дея аёлни рўпарадаги айовли уйга бошлади.

Кўп ўтмай Мария Ивановна ва унинг ўғли Николай хонадоннинг чинакам аъзоларига айланишди. Беш ёшли Ҳошимжон ва 3 ёшли Николай бир-бирлари билан тезда қиқчилаб кетишди. Бора-бора бир-бирларисиз тура олмайдиган бўлиб қолишди.

Бирдан хонадон бошига оғир мусибат тушди. Узоқ дарбадарлик кўч-кўч даврининг оғирликлари аёлни енгиб қўйган экан шекилли, Мария Ивановна тўсатдан вафот этди.

Маҳалла аҳли ёрдамга келди. Кўпчилик ҳимматиға балли. Биров бир метр чит берди, биров бир коса ун. Ишқилиб қўшнилари борини аяшмади. Аёлнинг бегоналигини билдирмай кўмишди.

Шундан кейин кўпчилик маслаҳатлашиб Николайни болалар уйига топширмоқчи бўлишди. Шунда онаси:

— Уни ўзим боқаман. Қадрдонимнинг боласини бировга бермайман. Битта болам икита бўлди. — деб туриб олди.

Ака-укалик ўшандан бошланди. Ҳошимжоннинг отаси урушдан қайтмади. Ииллар ўтиб Николай воёга етди. Ҳошимжон билан бир заводда ишлади. Кейин бедарак кетган отасини қидириб Украинага — ўз юртига жўнади.

Ҳошимжон ва Шарофат хола уни иззат-икром билан қузатишди.

— Болагинам бизни унутмагин, тез-тез хат ёзиб тургин, — деди Шарофат хола вокзалда Николайнинг бўйнига осилиб, йиғларкан.


— Албатта ёзаман, онажон. У Ҳошимжон билан қўчоқ очиб хайрлашди.

— Хайр, онажон. — Омон бўл, ука.

Николайнинг уринишлари зое кетмади. У отасини топди. Шундан бери Тошкентда истиқомат қилувчи тоjik йигити Ҳошимжон Салимов ва украинalik Николай Кудряшовлар оиласи ўғасидаги самийи дўстлик, ака-укалик ришталар давом этиб келади...

Куни-кеча Николай Кудряшовдан келган хат баҳона бўлди-ю, мактабдош дўстим Ҳошимжон билан ўтмишини мана шу унутилмас кунларини эсладим.

М. КОМИЛЖОНОВ.



© Тошкент чинни заводи маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Корхонанинг ўз касбининг усталари бўлган мусаввирлар беаган шёла, чойнак, коса ва лаганлар хонадонлар кўрки ҳисобланади. Турли тўй-ҳашамларда ишлатиладиган бу чиннилар кишига завқ-шавқ бағишлайди.

СУРАТДА: корхонанинг ёш мусаввирларидан Муроджон Мўминовни ўзи беаган маҳсулотлари олдида кўриб турибсиз.

Ҳ. Солиҳов сурати.

ҲОЖАТБАРОР ТАЙСА ОПА

БИЗНИНГ 17-Иттифок маҳалламиз Куйбишев ноҳиясининг Луначарский ҳудудига жойлашган. Маҳалламизнинг байналмиал маҳалла, деб атасан янгилашмаймиз. Сабаби, турли миллат вакиллари шу маҳаллада дўстона, бир оила фарзандларидек, аҳилик билан яшашмоқда. Маҳалламизга бир неча йиллардан бери хат ташувчи аёл — Таиса Васильевна Кузмина ҳалол хизмат қилиб келмоқда. Телеграммалар, хатлар, рўзнома ва ойномалар ҳамда қарияларимизнинг нафақалари у киши орқали ўз вақтида эгарига етказиб берилмоқда.

143-алоқа бўлими (Маҳалламиздан анча узоқ [Қорасу даҳасида] жойлашган бўлиб, кўпчилик қарияларимизнинг у ерга етиб боришлари жуда қийин. Шунинг ибобатга олган ҳолда Таиса Васильевна қариялар нафақасини алоқа бўлимининг ўзида расмийлаштириб, уйларига етказиб беради.

Ун саккиз йилдирки, Таиса Васильевна 143-алоқа бўлимида ҳалол хизмат қилиб келмоқда. У ўзининг камтарин меҳнатлари эвазига алоқа бўлими маъмурияти томонидан бир неча ташаккурномалар ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилган. Гарчи пенсия ёшида бўлса ҳам Т. В. Кузмина ҳамон сафда.

Маҳалла аҳли номидан:
Ж. ТОШПУЛАТОВ.
Куйбишев ноҳиясига қарашли 17-Иттифок маҳалла кўмитасининг раиси.

ТОШКЕНТНИНГ марказий кўчалари бўйлаб юриб қолсангиз, яшил хиебонлар, яшнб турган дов-дархатлар, саришталикден дилингиз яйрайди. Аммо марказдан узоқлашган сари бошқа бир оламга келиб қолгандек бўласиз. Йўлларнинг аксарияти ўйим-чуқур, кўчалар ифлос. Бекатларни, одатда папирос қолдиқлари чипталар хира қилиб ётади. Аслида жамоат жойлари саранжом-саршаша ва тоза бўлмоғи керак. Афсуски, эътиборсизлигимиз туфайли пойтахт худудининг ифлосланиш даражаси кундан-кунга ёмонлашиб бормоқда.

— Биз салкам 10 йилдан буён «Олмазор» даҳасидаги 11-уйда истиқомат қиламиз, — дейишди меҳнат кексалари Собир ака Юнусов ва Ҳасанбой ака Рауновлар. — Бир йил ичида бор-йўғи 4—5 марта ахлат машинаси келганини кўрдик, холос. Оқибатда чикиндилар тўпланиб қолиб, 5—6 қаватгача қикиб кетади. Ёзи билан чивинга таландик, 74-уй жой бошқармасига бир неча марта шикоят қилган эдик, афсуски ҳеч ким қўлоқ солмади.

Бундай аҳолини Куйбишев ноҳиясидagi Луначар шохкўчаси бўйида жойлашган 123, 125 ва 127-уйларнинг рўпарасида ҳам кўриш мумкин. Бу ерга ташриф буюрган киши 50 метрлар чамаси чўзилган ахлат уюмларига кўзи тушади. Текширувлар аиникса Чилонзор, Киров, С. Раҳимов, Куйбишев районларидаги турар жойларнинг санитария ҳолати ёмон эканлигини кўрсатди.

С. Раҳимов районидagi «Гуруч ариқ» маҳалласига ўтказилган маҳалла кўмиталари раисларининг йиғилишида кўпчилик ана шу масалани алоҳида тилга олишган эди.

Маҳамат Каримов (Ҳофиз Кўҳакий маҳалла кўмитасининг раиси). Кўчаларимиздаги, аиникса 2-алоқа бўлими, Ҳофиз Кўҳакий масжиди олдидаги ахлат уюмларини, пашша «сарой»ларини кўриб кўркиб кетасан, киши. Яқин-яқиндан бери кўшни маҳаллалар аҳолиси ҳам чикиндиларни биз томонга ташлашяпти. То-заликни назорат қиладиганлар боими ўзи?

Ечимини кутаётган муаммолар

ОЗОДАГАРЧИЛИКНИНГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Нуъмон Хўжаев (Фрунзе номидаги маҳалла кўмитасининг раиси). Ахлат, хонадонлардан чиқаётган турли хил чикиндилар шу даражада тўпланиб қоляптики, Сағбон, Қорасарой, Зарқайнар кўчаларидан юриб бўлмай қоляпти. Қачон тегиш-ли жойга қўнғироқ қилиб айтмагунингча уларни олиб кетишмайди.

Мажлис чоғида ноҳиядаги «Зарбдор», «Шарқ ҳақиқати», Бобур, Абдулла Набиев маҳаллаларининг жамоаларидан ҳам вакиллар сўзга чиқиб, шаҳар кўчаларидаги тозалик низоҳатда ёмон эканлигини таъкидлашди.

Очиги, бундай ўринли эътирозларни кўлаб эшитамиз. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари томонидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Аммо

чикинди уюмлари, шаҳар ҳўсига доғ бўлаётган турли хил чикиндилар, кўчалар-у бекатлардаги ноҳуш манзаралардан ўз вақтида халос бўлолмаяпмиз. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада? Наҳотки пойтахтимизни озода, кўркам, ўрнатилган бир масканга айлантира олмаймиз? Масалан, Сингапур жаҳондаги энг озода шаҳарлардан бири ҳисобланар экан. Би-лишимча, ҳатто водопровод

лион квадрат метри ўз вақтида тозаланади. Барча жойлар озода бўлиши учун 10 мингга яқин фаррош керак. Ҳозирги кунда эса 4—5 минг киши хизмат кўрсатмоқда.

Кузатувлар турар жой бошқармаси, ноҳия ободонлаштириш бўлими, «Автотормехбаза» ходимлари ўртасида ҳамжиҳатлик йўқлиги, белгиланган ишларни бажаришда сансалорликлар бўлаётганини яққол кўрсатиб турибди. Мутасадди ташкилотлар даҳалар, мавзе ва маҳаллаларда учрашувлар, аҳоли ўртасида савол-жавоблар ўтказишга эътибор беришмаяпти. Халқ билан алоқа қилиб, улар дарди тинланмас экан, биров ўзгаришга эришиш қийин.

Юқорида номлари тилга олинган идоралар, мутасадди ташкилотларнинг дарди маълум. Улар билан ишни яхшилаш хўсусида тортишиб қолсангиз муаммони ҳал қилиш йўлларини излаш ўрнига ишчи кучи етишмаслиги ва бошқа баҳоналарни рўкач қилиб, ўзларини оқламакчи бўладилар. Тошкент — олий ўқув юртлири шаҳри. Бу илм масканларида моддий томондан қийналаётган, ўз аҳолини ўнглашга муҳтож бўлган талабалар ҳам йўқ эмас. Эҳтимол уларни шу ишларга жалб этиш орқали шаҳар озодлиги ва тозаллигини саклаш мумкин бўлар. Қисқа қилиб айтганда, пойтахтимиз худудларининг санитария ҳолатини тубдан яхшилаш вақти келди.

У. ШОРИХСИЕВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг ходими.
С. ШОДИЕВ,
«Маҳалладош» мухбири.

МАЪЛУМКИ, шу йил 21 ноябрь кун жумҳуриятимиз Президентини И. А. Каримов марказий ва маҳаллий радио, радио ва телевидение журналистлари билан ўтказган мулоқотида маҳалла бошқаруви энг амалий ушбу бўлимининг ахлини маскан, бозор иқтисодиётига ўтишда қадимий хунармандчиликни ташлашда мажбур мактаб бўлиб хизмат қилиши мумкинлигининг алоҳида таъкидлади. Чиндан ҳам маҳалла эъло-азалдан фикрлар тўқиниб, умумлашадиган, улуғ ва аённаларимиз камол топадиган, сақланган ва аждодлардан авлодларга бус-бутун ҳолда узатиладиган шундай бир ҳудудди, бу ерда доно кекас-ли ва кўшқини ёшлик, меҳр-оқибат ва оилавий баҳамжиқатлиги, тадбирлар ижроси борасида дарҳол қўшуши ва ҳам-ташвишларнинг умумийлиги, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром тўғрисида неча юз йиллар давомида жипслашиб, уйғунлашиб кетганлиги билан ҳозир ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Яқин-яқинларда ҳам бозорлар ва маҳалла гузарларида хунармандчилик, савдо-сотиқ ишлари ҳар томонлама авж олиб, боққолларнинг насияга гушт беришлари, «топганда пулни тўласан» қабилида иш тўтиши — буларнинг ҳаммаси бозор сибсати борасида боболаримиздан бизга инъом этилган энг синашга меросдир.

Ҳудди ана шу юксак фазилатлари тўғрисида ҳам давлатимиз маҳаллаларини энди-

Сўхбатни профессор Қ. Ф. Фозилхўжаев бошлаб берди:

— Дастуриимизнинг бу йилги ижроси юзасидан, умумий ҳаётда бўлса ҳам, муштарийларимизга ўз фикрларини баён қилсам, деган эдим.

Мухбир: Марҳамат, Қодир Фозилонич! Қ. Фозилхўжаев: Маҳаллаларни ри-вожлантириш энг аввало, шу масканларда истиқомат қилувчи аҳоли манфаатларидан келиб чиқади. Дастур ҳам шу мақсадни кўзлаб тузилди ва қабул қилинди.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг «Тошкент аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва 1991—95 йилларда тарихан таркиб топган шаҳар ноҳияларини тиклашни жадаллаштиришнинг муҳим тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур дастурини қабул қилишда асосий туртки бўлди. Маҳаллалар раис ва котибларига маош тайинланди. Булар ҳаммаси яхши, албатта. Бироқ маҳаллаларимизда истиқомат қилувчи аҳолидан 400 мингга яқин киши ҳанузгача газ, электр ва телефон таъминотидан маҳрумлиги, хонадонларнинг деярли теги яримисиди уйларини иситиш ва таом тайёрлаш учун кўмир ишлатилаётганлиги бизнинг жумҳуриятимиз учун номутоан-сиб бир ҳолатдир. Жуда кўп маҳаллалардаги хонадонларга водопровод уланмаган, баъзи жойларда канализацияга эга бўлиш дилдаги орузга айланиб қолмоқда. Болалар боғча ва яслилари, поликлиника, мактаб, кинотеатр ва маданият уйлари етишмайди.

Шаҳар ижроқўмитанинг пойтахт партия ташкилотини иштироки ва жумҳурият ҳукуматининг бевосита ёрдами билан қабул қилинган мазкур дастури маҳаллаларимиздаги ана шу жиддий камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилгандир.

Хўш, унинг бажарилиши қандай? Энди сўз навобатини бу дастурининг бевосита ижроқўмитасига бера қояйлик.

Ш. Фаттоҳов: Ҳар қалай, шу йилнинг ўтган ойлари давомида амалга оширилган ишлар кўлами айтарли ёмон эмас. Шаҳар режа комиссияси ҳам, Тошкент «Тикланиш» бирлашмаси ҳам, икронин назорат қилиб боришляпти. Ҳозиргача 220 километр узунликда водопровод, канализация, электр ва газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. 850 минг квадрат метр йўл ва йўлларга капитал таъмирдан чиқарилиди. «Маҳалла» дастури бўйича 10 миллион сўмлик ўрнига 12 миллион сўмлик иш бажарилди. Йил охиригача яна 3 миллион сўмлик иш адо этилади.

Оттиз корхоналари маҳаллаларга сикдиклидан ёрдам бермоқдалар. Нумаладан, «Уздорстройтехника» жаммаси маҳаллалар ичидан ўтган 850 метр узунликдаги ариқларга темир-бетон новлар ётқизиб 150 минг квадрат метр ҳаямдаги йўлак ва йўлларни асфальт қилиб берди.

Р. Ҳрозбоев: Бу борада савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ҳодимлари ҳам ўз ҳимматларини дариг тутишляпти. Масалан, итхиссослаштирилган 25-магазин ишга туширилди, у зарур асбоб-ускуналар билан маҳаллаларни таъминлаб турибди. Шаҳар умумий овқатланиш Бош бошқармаси ўз ҳисобидан маҳаллаларга бепул 200 минг сўмлик пиёла,

ликда тубдан равиқ топтириш, улар бағридаги миллий аённаларимизни авайлаб асраш масалаларига жиддий эътибор бермоқда. «Маҳалла» дастурининг қабул қилиниши шу олиёбано мақсад йўлидир энг даража қадимидир. Дастур ижроси учун яқин пайдагача иқтисодий аниқ эриш бир шароитда миллионлаб сўм ажратилганлигини пойтахт меҳнат ахли энг юксак савоат сифатида қабул қилди.

«Маҳалла» дастури. Хўш, у қандай бажарилмоқда! Шаҳар маҳаллалар ишнин мувофиқлаштириш кенгаши раиси, профессор Қ. Фозилхўжаев, режалаштириш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари Ш. Фаттоҳов, «Водоканал» трест бошқарувчиси З. Солихўжаев, «Ташгаз» бошлиғи ўринбосари Т. Шокиров, шаҳар ёритиш идораси бош муҳандиси С. Пашков, Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлигининг ўринбосари А. Губанов, савдо ва умумий овқатланиш Бош бошқармалари бошлиқлари Р. Ҳрозбоев, Қ. Зоиров ва «Маҳалла» дастури ижросини мувофиқлаштирувчи Тошкент «Тикланиш» янги ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи К. Тошпўлатов ўртоқлар билан давра суҳбатини пайтада шу савол атрофида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирди.

чоинак, лаган ва бошқа чинни идишларини инъом этди.

Қ. Фозилхўжаев: Бу ўринда пойтахтимиз раҳм-шафқат жамиятининг савоатини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Бу таъкилот маҳаллаларда истиқомат қилувчи кўп болалик оилаларининг фарзандларига кийим-кечақлар олиш учун 100 минг сўм миқдорда пул ажратди. Мен мазкур савоат, савдо ва жамоат ташкилотларига маҳалладошларимизнинг самимий ташаккурини нэхор этишга нафолат олганман.

Аммо асосий вазифа — «Маҳалла» дастурини бажариш, бутун эътибор шунга қаратилмоғи лозим.

К. Тошпўлатов: Бизнинг «Тикланиш» бирлашмаси ҳам қадимий Тошкентнинг ўз қаддини ростлаб олишга қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган. Бироқ «Маҳалла» дастурини бажаришга жалб этилган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳаммаси ҳам бир хилда яхши ишляпти, деб айтиб бўлмайди. Бунини ўша ўтган тўққиз ой якуналари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Мен баъзи мисолларни келтирмаман. Ҳоло, ана шу давр мобайнида дастурда режалаштирилган 74,5 ўрнига 61,9 километр ирригация тармоқлари таъмирланиб, шу мақсад учун ажратилган 1028,7 минг сўмдан атиги 833,3 минг ўзлаштирилибди, ҳолос. Кўналамзорлаштириш ишлари ҳам тўла-тўқис низоҳатга етказилгани йўқ. Ана шу икки соҳа бўйича аҳоли, айниқса, Киров, С. Раҳимов, Ҳамза, Чилонзор ноҳияларида низоҳатда ёмон. Мазкур ноҳиялар ижроқўмиталари ва улар ихтиёридаги ташкилотлар мутасаддилари бой берилган имкониятини йил охиригача қоплаш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этишлари керак.

Мухбир: Сув таъминоти, канализация ва газлаштириш ишлари ҳам белгиланган режадагидан анча орақда қолмоқда. Бунинг боиси нимада?

З. Солихўжаев: Биз шу мuddат учун белгиланган режани шаҳар бўйича анча ошириб адо этдик. 31 ўрнига 37,4 километр узунликда канализация тармоқларини барпо этдик. Бу ишлар, айниқса, А. Икромов, ноҳиясида 12,5 ўрнига 15,1 километр, Октябрь ноҳиясида 6,1 ўрнига 6,9 километр, Куйбисhev ноҳиясида 5,1 ўрнига 9,6 километр ҳажмида бажарилди. Лекин таъминотчилар шартнома талабларига ҳилоф равишда материалларни ўз вақтида етказиб бермаганликлари тўғрисида баъзи жойларда, жумладан, Киров, Чилонзор ноҳияларида топишларини удалай олмадик.

Т. Шокиров: Бизда ҳам аҳоли тахминан шундай. Тилга олинаётган мuddат учун режалаштирилган топшириқ 32,7 ўрнига 38,6 километр ҳажмида бажарилиб, қўшимча 362 минг сўм ўзлаштирилган бўлсада, зарур материал ва ускуналар етишмаётганлиги тўғрисида имкониятларимиз даражасида ишлаб олмадик. Ўйлайманки, айни пайтда жумҳуриятлараро тузлаётган шартномалар келгуси йилда тўла-тўқис бажарилишига эришилди, бу эса биз курувчиларини ўз маҳалладошларимиз олдида зомимиз шувит бўлиб қолишдан ҳалос этади.

Мухбир: Рўзномамизга келаятган меҳнат ахли шикоятларининг асосий қисми телефон тармоқлари раҳбарлари шанга қаратилган. Барча мактублар асосан қўйидаги саволлар билан якунланди: «Хонадонимизга қачон телефон туширилади?», «Алоқа линияларининг тез-тез

ишдан чиқиб туришининг сабаблари нимада?», «Телефон ўрнатишдаги сансалорликка қачон барҳам берилади?», «Маҳаллалардаги автомат телефонлар қачон «тилга» киради?»

А. Губанов: Очиг эътироф этиш кераки, берилган ҳар бир саволнинг замирида маълум даражада ҳақиқат бор. Биз ўзинимизни оқламоқчи эмасмиз, ҳам-шаҳарларимиздан бизга ҳам жуда кўп шикоятлар тушляпти. Кейинги пайтларда тез ёрдам хизматини анча кучайтирдик. Бироқ кўпгина линияларимиз ўтказилганига жуда кўп йиллар кетганлиги тўғрисида улар асқириб, яроқсиз ҳолга келиб қоляпти. Шунинг учун ҳам алоқа-

эса ишларимиз бир мунча жонланиб кетди.

Қ. Фозилхўжаев: Бу ерда бошқа бир масала ҳам бор. Ҳозир жуда кўп миқозлар автомат телефон станциялари раҳбарлари ижозати билан ўрнатиш ишлари 102 сўм тўлаб қўйишган, бироқ мандаги матлумотларга қараганда ҳозир қозлаб одамлар «Пулни» тўладим, энди уйимга телефон тушириб беришса керак» деган ўй билан кута-кута чарчаб, эндиликда кўп вақтини станциялар раҳбарлари қабулхоналарида ўтказишляпти. Алоқа низомида эса пулни тўлагандан кейин бир ой мuddат ичида телефон ўрнатиб берилиши шарт. С. Раҳимов, Ҳам-

давлат корхоналари билан жуда кўп соҳалар бўйича, шу жумладан, бизнинг тармоғимизга ҳам оид муҳим иқтисодий битимлар тузаяпти. Аммо асосий гап энди ўша битимларнинг шартларини оғишмай амалга оширишга боғлиқ. Бу йил эса жуда кўп қардош жумҳуриятлар амалда мавжуд шартномаларнинг талабларини бир томонлама бузиб, етказиб берилиши лозим бўлган материал ва ускуналарни тўхтатиб қўйдилар. Ишимизнинг белгига тепган асосий гов ҳам ана шу бўлди. Маҳалладошларни ишонтириб айтаманки, дастурга мувофиқ ўз

«Эски жўва» «Олой», «Фарҳод» бозорларига қатнашга мажбур бўлишляпти. Фикримизнинг ҳулосаси шунки, маҳаллаларга битта эмас, бир нечтадан савоат дўконлари очиб, баъзи жойларда, жумладан, Хувайдо, Беруний, «Ишчилар шаҳарчаси» каби йирик гузарларда кичик-кичик бозорчалар барпо этишнинг имкони йўқми?

Р. Ҳрозбоев: Бу борада ҳам анчагина ишлар қилинди. Ҳозир деярлик ҳамма маҳаллаларда савоат дўконларини ташкил этиш юзасидан аниқ ишларни режалаштириб қўйди. Бозорчалар масаласига нелганда, бу ҳаётин зарур вазифа

тур ижроси масаласига бағишлаб, шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби Ю. А. Асепков раислигида ўтган йилги ишда бу борадаги ишларимиз хали қўшилдиғидек эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, «Главташкентстрой» бўлими «Маҳалла» дастурини қонқарсиз бажармоқдалар. Йигилиш қарори билан дастур ижросининг бориши мазкур бошқарма ҳайъатида атрофлича кўриб чиқилиб, мактаб, болалар боғча ва яслилари, соғлиқни сақлаш объектлари қурилиши соҳасидаги режа топшириқларининг бажарилишини хавф остида қолдирган айбдор шахсларни қаттиқ жазолаш тавсия этилди. «Водоканал» трести, коммунал корхоналари, савдо, умумий овқатланиш, грамвай-троллейбус, ободонлаштириш, алоқа Бош бошқармалари зиммаларига бу йилги дастур режаларининг ҳеч сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифаси юкланди. Тошкент «Тикланиш» бирлашмасининг моддий-моллиявий аҳволини тубдан яхшилашга қарор қилинди. Шаҳар режалаштириш бўлимига молия бўлими ҳамда капитал қурилиш бошқармаси билан ҳамкорликда келгуси йилги ишлар ҳажмининг аниқ режаларини белгилаб чиқиш вазифаси топширилди.

Мухбир: Дарвоқе, келгуси йил режалари ҳақида ўртоқ Фаттоҳов, қисқасига гапириб бера олмайсизми?

Ш. Фаттоҳов: Марҳамат, 1991 йил ҳаммамиз учун бурилиш ва улкан ўзгаришлар йили бўлиши ҳозирнинг ўзини даёқ маълум. Мен бозор иқтисодиёти билан боғлиқ муаммолар ҳақида гапириб ўтирмай, бевосита «Маҳалла» дастурининг келгуси йилги режалари устида тўхталиб ўтмоқчиман. Тўғрироғи, ҳаммамизнинг, айниқса маҳаллаларимиздаги «Оқшом» муштарийларининг диққатини қўйидаги рақамларга жалб этмоқчиман.

Биз учун зафарлар, бутун мамлакатимиз учун эса гулгулани боқсаларга бой бўлган ушбу йилнинг якунланишига ҳам бир ойдан кўпроқ вақт қолди. Бу йил бошқа баъзи жумҳуриятлардаги шартномачиларимизнинг бир томонлама ўзбошимчалиги тўғрисида шахримиз савоат корхоналари, қурилиш ташкилотлари анча оғир шароитларда ишлагга мажбур бўлдилар. Умид қиламизки, келгуси йилда жумҳуриятлараро тузилаётган битимлар ижросида узиллишлар бўлмайди.

Ана шу орузга таяниб биз дастуриимизнинг келгуси йил режаларини асосий тармоқлар бўйича шу зайлда ишлаб чиқдик: 25,6 километр водопровод, 80,3 километр канализация тармоқлари қурилиб 99,2 километр сирғи ёритиш тармоқлари таъмирланади, 50 километр газ, 106,9 километр ирригация тармоқлари таъмирланади, 8 минг 313 хонадонга телефон ўрнатилади, 787 минг квадрат метр йўлак ва йўлларга асфальт ётқизилади, 67,7 гектар майдон қўнамазорлаштирилади. Бу ишларга жами 13 миллион 629,2 минг сўм миқдорда маблағ сарфланади. Айниқса, дастурда янги йилда турар жой ва жамоат объектлари қурилишига кенг ўрин берилган. Ҳажми 1992 квадрат метр бўлган учта гузар, 950 квадрат метрик учта мача гузар, 4 минг 672 ўринли мактаблар, 2 минг 800 ўринли болалар боғча ва яслилари, 650 ўринли соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этилади. Келгуси йилда халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият, савдо, алоқа, маданий коммунал хизмат ва бошқа шу тармоқларга ҳаммаси бўлиб 66,47 миллион сўмлик маблағ сарфлаш қўзда тутилмоқда. Шунинг ҳисобига 230 ўринли ошоналар, 20 минг омерли АТСлар қад кўтарди.

Булор оддий рақамлар эмас, улар замирида минг-минглаб маҳалладошларининг келгуси фаровон ҳаёт ҳақидаги оруз-умидлари жамулнамдир.

Қ. Фозилхўжаев: Шундай экан, ноҳияларимиз партия ва совет ташкилотлари, савоат ва қурилиш корхоналарининг мутасаддилари ана шу эъти мақсад йўлидаги низоҳатда жиддий масъулиятларини чуқур ҳис қилмоқлари, маҳаллаларимиз фаоллари эса бу режаларнинг оғишмай амалга оширилиши мутазам қўзғатиб боришлари лозим. Зеро, гап маҳаллаларимиз тикланиш, равақга устида, қадимий гузарларимизнинг қайта барпо этилиши ҳақида кетаяпти.

Давра суҳбатини А. НУРИМОВ ёзиб олди.

Қадимий номлар

ҚУМЛОҚ

ШАҲРИМИЗДА ўтмиш тарихига эга бўлган қўпгина маҳаллалар бор. Афсуски, ешларимиз ўзлари яшаб турган жой номининг қандай келиб чиқганини яхши билмайдилар. Шу боис, муштарийларимизни қадимий номлар билан таништириб боришга қарор қилдик.

«Қумлоқ» (ҳозир «Ринов») маҳалласи шахримизнинг эски шаҳар ҳудудида Қорасарой кўчасининг ўрта қисмида жойлашган. Жануб томондан Кайковус канал, шимол томонидан «Ринов» кўчаси, ғарб томондан «Тўмарис» кўчасининг бир қисми, шарқ томондан қумлоқликларнинг эвбатроқ жойига айлانган «Қўқутла ота» мақбараси жойлашган майдон шу маҳалла таркибига киради. Қумлоқ атамаси қумлик жой ёки макон деган маънони англатади.

Қумлоқ маҳалласи Қорасарой кўчасида 1 километрдан ортиқ масофани ишғол этади. Ушбу маҳалланинг гавжум ери азалдан ҳозирги кичик бозорча жойлашган жой бўлган. Ўтишда ҳозирги савоат дўкони жойлашган ерда икки тошлик тегирмон бўлиб, унда маҳалла ахли ўртасида катта хўрматга сазовор бўлган Ҳолмат ота тегирмончилик қилган. Тегирмон билан Кайковус канал ўртасидаги дўнгликда ҳозирги дорихона ўрнида маҳалла масжиди бўлган.

Қумлоқ маҳалласи асосан деҳқончилик, қосиблик, боққоллик, қасоблик билан шуғулланган. Маҳаллада истиқомат қилувчилар учун бу ерлар шаҳар ҳовли ҳисобланиб, ичкари ва ташқари ҳовлилардан ташкил топган.

Маҳалла ахлининг болалари ва экинзорлари ҳозирги София кўчасидан бошлаб то Ҳасанбойгача бориб тақалган. Биз маҳаллада туғилиб ўсган нуруний отахонлар 1898 йилда туғилган Акромхўжа ота Ёқубхўжаев ва Нуриддин ота Раҳматхўжаевлар билан суҳбатлашганимизда илгари бу ерларнинг жариклардан иборат эканлиги, вақт ўтиши билан сойда лойқа қумли сув очиб, жарлик аста-секин тўла бошлаган, кейинчалик одамлар қумли лойқа устини тупроқ билан тўлдириб қўма бошлагани, шундан бери бу ерлар қумли ер, яъни қумлоқ деб аталганини биллиб олдик. Маҳалладаги биз таниган ва одамлар учун жоқувар бўлган элликбоши Мирқабар ҳожи эди. 20-йилларгача маҳалланинг асосий кўчаси Қорасарой тупроқли бўлиб, 20-йиллардан кейин кўчага тош ётқизилган. Маҳаллада донғи бутун Тошкентга кетган ошпаз Тўхта ота ҳам Кайковус канал буйида истиқомат қилган. Қумлоқ маҳалласи ва Қадобод маҳалласи кесилишган ерда Исоя исмли одамнинг ўйи бўлиб, бу уйда семилли шоримиз Г. Уломо 1925 йилларда қисқа муддат истиқомат қилган. Бу уй ҳозир ҳам бор. Қўқутла ота мақбарасининг ички маҳалла ўртасида бўлиб ётишнинг сабаби Себзор даҳасида Пошомат ота исмли дин назоратчиси яшаган. Ҳозирги Ҳасимом майдонида Ўрта Осиёда Ислом динининг раҳнамолиридан бўлган Ҳасимом ота истиқомат қилган. Қўқутла ота шу кишининг юмушларини ҳалоллик билан бажариб юрган. Шунинг учун ҳам миннатдорликлар тўғрисида Қўқутла отани шу ерга дафи этганлар.

С. НИШОНОВ, маданият ҳодимлари малака ошириш жумҳурият келгусининг ўқитувчиси.

«ЮРГАН дарё, ўтирган бўйра», дейдилар донолар. Ёшлардан шу нақл қўлогимга қўйилиб қолганиданми билмайман, нуқул кўча кезгим, одамлар орасида бўғилиб келади. Кўнчилиқ яхши-да, улар билан бирга бўлсанг чақчақлашиб ҳам ташвишни ҳам, қариллиқни қилмайдир, ҳа, унутасан. Шакарғуфторлик билан кўнглинг кўтарилиб, вақтинг қандоқ ўтганини ҳам билмай қоласан киши.

Кўни-кеча маҳалламиз чойхонасига бир чойхўрлик қилиб келай деб чиқсам қадрдоним Абдураим бобо ўтирибди. Салом-алиқдан сўнг ўтиришга таклиф этди. Кейин оғиз очирмай сўз бошлаб кетди.

Абдураим бобо нега ранжиди?

— Ҳозир ўзим сени эслаб турувдим.
— Ҳа, тинчликми, — сўрайман ундан.
— Шу дегин баъзан туриб-туриб хафа бўлиб кетаманда дўстим, — деб нон олиб қолди у. — Биласан, бизда нон сероб. Бунинг учун аввало ҳукуматимизга раҳмат. Лекин тўқликка шўхлик қилаётганларни кўрганда ранжидмай бўладими? Айниқса улар кўз олдинда нонин исроф қилиб, нонхўрлик қилишса алам қилмайдими, кишига.

Гапнинг индोलосини эшит: Кеча марҳум дўстим Қаримжоннинг ўғлиниқига тўйга борган эдим. Содикбой ўзи ўқимишли, оқ-қорани танган йигит. Ўзимга катта бир олийгоҳда ном чиқарган домла. Шогирдларим кўп. Ширинсуханлиги, сўзамоллиги учунми билмайман, ҳар қалай унга ихлосим баянда эди. Бунинг устига отаси билан девор-дармиён кўшн бўлганимиз. Хуллас, кеча Содикбой катта тўй қилиб ўғил уйлади. Тўйдан олдин бўладиган маслаҳатга ҳам дўстим хотираси қатнашгандим.

— Энди гап мундоқ, — деди Содикбой ўшанда маҳалла фаолларининг сўзини шарт кесиб. — Энг ёмон кўрганам хасислик. Айниқса у биздақанги кишиларга ярашмайди. Озиб-ёзиб кўраётган тўйимиз. Шундай экан, дастурхонимиз тўқиб бўлсин, дейман. Қандқурсдан тортиб, турли-туман нонларгача бисёр бўлса дейман. Эртабаки ошда иссиқ нонлар тортилиб турса, дастурхон янада фойдали бўлади-да. Шуни назарда тутиб, ошга уч хил нон ёштиришчканам. Қолаверса седанали, мағизли, жиззали нонлар кимнинг иш-тахасини кўзгамайди, дейсиз.

— Ахир уч хил нон кўп эмасми?
Маҳаллакомнинг сўзи оғзида қолди.

— Менга қаранг. Нишонбой ака, — деди Содикбой чимирилиб. — ахир сиз тушунган, кўпни кўрган одамсиз. Биласизки, ноннинг қадри тийин билан ўлчанади. Лекин инсоннинг обрўси олтинга топиламайди. Шундай экан тийини нон деб мисқоллаб топган обрўйимдан ажралишни истамайман.


Очиги Содикбой кўзимга галаги кўриниб кетди. Мана шу сўз унинг кимлигини кўрсатиб қўйди. Унга ихлос қўйиб аниқлашган эканман. У обрўси учун ҳамма нарсани қўриб қиладиган кишилар тоифасидан эканлигини билмабман. Бўлмаса нон исрофгарчилигини обрўга олиб келиб тақамасди. У. Гап тагини гап очар деганларидек.

ўша дамда унга тикилиб туриб, ёшлиқдаги бир воқеани эслаб кетдим.

Уруш йиллари эди. Ҳар кўни оиламизга берилган талонга нон олиш учун дўконга чиқардим. Шундай кўнларнинг бирида нон олиш учун навбатга турган эдим, бирдан ўн-ўн икки йиллардаги бола чиқриб қолди. Кимдир бечоранинг талонини қўлидан тортиб олибди. Бундан қарасам Содикбой.

— Нонга онанг чиқса бўларди-ку. Ахир талонни ҳам ёш болага ишонадими, киши. — дедим кўюниб.
— Ойим касаллар.

Нон олгунча ҳам Содикбой бир чеккада йиғлаб тураверди. У тинимсиз хўнгради-ю, лекин кўзи одамлар қўлидаги нонга жавдирарди. Аранг нон олиб, Содикбойни етаклаб йўлга тушдим.



— Ойингга нима қилди?
— Дадамдан қора хат келди. Шунга касал бўлиб қолдилар.

Хўшимдан айрилиб қолаёзим. Вой мен каллаварам дейман ўзимга-ўзим. Наҳот жонанон дўстим Қаримжондан айрилиб қолган бўлсаям мен шу вақтгача беҳабар бўлсам.

Бейхўш қўлимдаги нонни Содикбойга узатдим. У худди шуни кутиб тургандек, устидаги бир бўлагини очиб оғизга тикди. Кейин қилмишидан уялиб, менга қаради.

— Еявер, ош бўлсин ўғлим. Боланинг аҳволини кўриб туриб чидай олмадим. Тиркираб кўзимдан ёш чиқиб кетди. Уйимиз эшигиде тўхтаб қолдим. Содикбой нонни менга узатди.

— Шу нон сенга ўғлим, уйга олиб бор. — дедим ўзимни тугатмай.

— Нондек сероб бўлинг, амаки.

Е тоба, ахир бу ҳали турмуш иқир-чиқирдан ҳоли бўлган. Уйинқароқ боланинг гап эмаску. Наҳотки, танқислик ёшларни ҳам катталардек мушоҳада қиладиган даражага олиб келган бўлса...

Даврада ўтирибману ўша болкай Содикбойнинг гаплари қўлогим остида такор-такор жаранглайди. Шуларни эслаб туриб тилим қичирди. Унга ўтмишининг унутма, деган гапни жуда-жуда айтгим келарди.

Йўқ бўлмади, Содикбой айтганидан қолмади. Ўтмишини унутиб, қоп-қоп ун ёптириб тўй қилди. Қўти-қўти қолдиқ нонлар сувда оқди...

Дўстимнинг бу ибратли ҳикояси Содикбой синари баъзи обрў учун тўй қиладиган, шўхрат йўлида ҳар қандай исрофгарчиликдан қайтмайдиган кишиларга ибрат бўлармикан деган мақсадда, уни «Маҳалладош»лар ихтиёрига ҳавола этдим.

ДОНОБУВА.

Кўпнинг кенгашига

МУҲТАРАМ маҳалладошлар! Сарлавҳага кўзингиз тушиши билан «Етар тўй ҳақида гапирмоқ, тўй қилувчи ўзгалар-у, ташвишни сизгами?» дея эсангиз қотмасин, ачуғингиз чиқмасин. Аслида тўй ҳақида шунчалар кўп ёздики, аксарият муштарийларимизнинг петицониси тирпадиган бўлиб қолди. Шу ўринда биз асосан сарф-харажат, исрофгарчиликлар ҳақида тўхталганимизни айтиб ўтиш зарур. Ваҳоланки, тўйнинг руҳоний томони, халқнинг маданиятига улашиб кетадиган асоси хусусида деярли фикрлашмадик.

Очиги, вилоятларимизда мада-

иқтидорли, ўз қобилияти, санъатга мойиллигини намойиш қилувчилар бўлмаса? Бизнингча, базм табиий қиздирилса, инсон-ихтиёр бус-бутун ўртакаш қўлига топириб қўйилмаса, кишилар кўпроқ завқ олади.

Миллий урф-одатларимиз тарбия, ахлоқ ўргатиш манбаи бўлмоғи жоиз. Кейинги пайтда йигитларимизнинг никоҳга келиши удуми кўп ўйлантираётти, ташвишга соялпти. Хўш, ёш-яланглар кўвнин ўртага олиб, келинчиқига нега келишади? Авваллари келиннинг уйи-

Тўй ГАШТИ ЙЎҚОЛИБ БОРАЯПТИ



ний қадрият томонларига озми-кўпми эътибор берилаяпти. Пойтахтда ўтаётган тўйларда эса на тўй эгаси, на келин-куёв, на қатнашаётганларнинг қалби, руҳи баҳраманд бўлаётти. Қўпол қиёс учун ўз сўраймиз: маросимнинг ҳузурини қорвимиш кўраётти, жисмига этилиб кетаяпти. Тўйиб оққатланиш, тўйиб қўшиқ эшитиш, тўйиб рақс кўришининг ўзи етарлими? Менимча, тўй гашти емириляпти, олимпиадан руҳий озми, маънавий завқ йўқолиб бормоқда.

Тўй эгалари фақат сарф-харажати уддалашлари-ю, меҳмонларни қўл қовуштириб кутиб олишлари лозимми? Не оруз-ҳаваслар билан уюштирилган бу тантана тўйининг қалбини, маънавий имкониятларини кўз-кўз қилиши керакмасми? Йўқ, тўй эгаси қўлига ликопча олиб ашула айтсин, уй бекаси эса ўртадан чиқмай рақс тўшаверсин, демоқчимасмиш. Балки дилларни яйратадиган, руҳий озмиқ берадиган удумларимиз кўз-қўз қилинсин. Битта маросим иккинчисидан нимаси биландир (тўй эгасининг диди, топқирлиги эвазига) ажраллиб туриши зарур.

Ўғил тўйи, никоҳ тўйларида маросимини ўртакаш бошқаради. Қатнашчилар нари борса енгилли куйга кўпчилик бўлиб рақсга тушадилар. Ансамблга, замонавий рақсларга қарши эмасми. Лекин тўйнинг миллийлиги, ўзига хослиги, бетакорлиги қаерда қолди? Наҳотки, кечага келганлар орасида

га яқинлашган сайин кўвнининг, кўвн жўраларининг қалбада ўт ёнardi. улар ҳозир қандайдир илоҳий мўъжиза рўй беришини кутишарди. Карнай-сурнай навоси, шўх рақслар билан хонадонга кириб келган йигитлар никоҳ ўқилишини, кўвн эса бутундан эътиборан сеҳрли, шу билан бирга масъулиятли оламга қадам қўйишининг гувоҳи бўлардилар. Никоҳ ўқибетган, келин ва кўвга вакиллик қилаётганлар ўз бурчларини чуқур ҳис қилишарди. Биз никоҳни диний ақидалар кўриниши деб инкор этдигу, унинг маънавий-маърифий аҳамиятини унутиб қўйдик. Бу гўзал удум йўқолгач кўвн жўралар ўрнига ўзга маҳаллага бориб «иш кўрсатиб» келиш иштиёқидаги болакайлар ови юришиб қолди. Улар келиннинг уйда истоган нон-маъқулчиликларни қиладилар: хонани папирос тутунига тўлдиришдан тортиб, биллур, чинни идишларни эрмак учун синдиришади. Дастурхондаги бор нарсани шипириб, келиннинг уйини тарк этидилар. Аслида никоҳдан кейин қиз узатилаётган хонадонда алоҳида зоти тарқалиши, ҳар бир нарсда муқаддаслик жилва қилиши лозим.

Никоҳнинг никоҳлиги тантанаворлигида, ҳис-ҳаяжонга тўлиқлигида, юзлаб кишиларнинг гувоҳ бўлиб туришида, келин-куёв қалбадаги инқилобда сезилади. Шу боис никоҳ келиннинг уйда тантанали равишда ўқилиши удумининг тикланишини таклиф қиламан.

Усмон АБДУЛЛАЕВ,
Чилонзор ноҳиясидаги «Дўн-бироаб» маҳалла кўмитасининг раиси, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати.

Тоживой тажанг шаҳар кезади

ВАЪДАБОЗ

— СОВУҚ тушди дегунча юрак ҳовучлаб югурадиган бўлиб қолдик, оқангандан айлангур, — деди Тоживой тажанг дўппини бошдан олиб. — Нимга дейсизми? Мана шунақада, билмайсиз. Совуқ уйда иккита, ута кўрпанинг тағида эртабадгача қалтираб чиқсангиз иссиқ уйнинг қадрига шундоқ ҳам етасизки, асти қўяверинг.

Гапни бир бошдан бошласам «Наҳотки, йўге, бўлмаган гап, одам ҳам шунақа ваъдабоз бўладими» деб ёқа ўшлайсиз. «Тўғри сўз тўққанингга ёқмайди» деганларидек хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бизга хизмат қилувчи Собир Раҳимов ноҳия-



сидаги 5-уй-жонлардан фойдаланиш бошқармасига тоза қатнадик.

5-ЖЭУ бошлиғи Раҳим Орифжонов шунақанги ваъдабоз экан-ки унча-мунча, «мана-ман» деганлар ҳам бунақа ваъда бериб бажармасликда унинг олдида тушолмас экан.

Қатнайвериб, қатнайвериб, чарчагандан кейин охири шаҳар уй-жойлардан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи-

га мурожаат қилиб, арз-додимизни айтдик. У киши қалин дафтарига «2-Қорақаман» даҳаси 1-мавзе 9-уйда иссиқлик йўқ» деб ёзиб қўйди ва баракка топкур бу ҳақда ЖЭУдагиларга айтди. 5-ЖЭУдан вакил келиб у ер бу ерни қараган бўлди. Шундан кейин яна 5-ЖЭУга неча маротаба мурожаат қилган бўлсам у:

— Сиз кетаверинг, эртага албатта боради. Бажарамиз, қўйил қиламиз, — деб бизни алдади.

Охири 18 ноябрь яқинба кўни қўшнилари билан яна 5-ЖЭУга бордик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у ерда дам олиш кўни экан. Бунинг қаранг, қиш арафасида ҳам шаҳарларимиз дам олиш кўнлари бирор камчиликла-

рини бартараф этиш мақсадида ЖЭУга мурожаат қилишмоқчи бўлишса-ю, у ердагилар дам олишса. Ахир шу дам олиш кўнини бошқа кўнга, аҳоли ЖЭУга кам мурожаат қиладиган кўнга кўчирса бўлади-ку.

— Ростмани бу ерга келдикми — кутамиз, — дейди қўшнилардан бир.

— Нима фойдаси бор. барибир келишмайди, — деди иккинчиси.

Шундан кейин маҳалла аҳли машинага ўтириб Собир Раҳимов ноҳияси уй-жойлардан фойдаланиш трестига боришди. Не кўз, билан қўришсинки 5-ЖЭУ бошлиғи шу ердаги «Москвич» машинаси атрофида юрарди.

— Биламан, биламан, —

деди ЖЭУ бошлиғи Р. Орифжонов — 9-уйни? Совуқ, Албатта, иситамиз. Эртага 19 ноябрь кўни, эрта билан энг яхши слесаримиз Шавкатни юбораман, — деб навбатдаги ваъдасини берди. Аммо Раҳим Орифжонов бу сафар ҳам ваъдасининг ундасидан чиқолмади.

— Бу сафар ҳам ишонган эдик, — дейди Тоживой тажанг ух тортиб. Ёштитишча, — дейди Тоживой тажанг, — бу 5-ЖЭУдагилар «Мушук бекора» офтобга чиқмайди» деган мақолга амал қилишармиш. Бўлмаса нега шунча кўндан бери қанчадан-қанча одамни овора қилишар экан.

Тоживой тажангга жияни Р. НУРИЛЛАЕВ ҳамроҳ бўлди.



Маънавий қадриятларимиз

«ОДАМ БОРКИ, ОДАМЛАРНИНГ НАҚШИДИР...»

«Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин». Келиб чиқиши аслида бир бўлган бани башарин «одам» ва «одамий» деб фарқлаш замирида қандай маъно ётиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрингизми? Турли сабабларга кўра шу дамгача бу ҳусусда бош қотиришга фурсат тополмаган бўлсангиз, ҳечқиси йўқ, азиз муштериёрлар, «Одобнома» баҳонасида бир-галашиб муҳоҳаза юритиб кўрсак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Даставвал шунини таъкидлаш керакки, бу янгилик ҳикматлар мағзин пуч, аммо усти ялтироқ, шунчакин сўз бўлмай, балки бир неча ўз йиллик сервизидийт ижтимоий ҳаёт синонларидан ўтиб сай-қал топанга ҳалқона тажрибанинг асл қаймоғидир. Модомики, шундай экан, маъмур ҳикмат мағзини қақишга бир урилиб кўрайлик-чи? Халқ доно: зоти жиҳатидан ҳамма одам бир эканини жуда яхши билади, шу боис ўзaro муола-ла-муошарада беш қўл баробар эмас-лигини ҳисобга олиб, биллими билмай ҳеч кимнинг иззат-нарсига тегиб кет-маслик чорасини кўришни маслаҳат бе-ради.

Бирок кишилар орасида яхшилар ҳам, ёмонлар ҳам истаганча топилади, зеро, «Одам борки, одамларнинг нақ-шидир, одам борки, ҳайвон ундан яхши-дир», дейди ҳазрати Навоий. «Одамий» деганда халқ ҳақиқий инсонни, яъни барча эзгу, ҳамма олижаноб фазилатлар-ни ўз шахсиятида бенами-кўст мукассам-лангир олган кишини тушунади. Бошқа-чаро айтганда, одамийлик инсонга хос бўлган бутун маънавий куч-қудратни ҳам ақлни, ҳам дилни, ҳам иродани фақат ва фақат Эзгулик йўлига бахшида қиладиган қомил Инсон ҳақидаги идеал-нинг пўлда ифодаси бўлиб, унинг маъ-муни ниҳоятда тараф, ҳажми эса жуда кенгдир. Одамийлик ҳақидаги халқона идеал ёлғизгина ороу-ҳаёл, махсули эмас, балки шу баробарида ва энг авва-ло илдин минг-минг йилларга бориб тақалладиган ижтимоий ҳаёт давомиди дунёга келиб эл-юрт билан турмушнинг аччиқ-чучугини, яхши-ёмон томонлар-ни кўриб кетган кўндал-кўл мумтоз ки-шиларга хос бўлган олижаноб фазилат-ларнинг умумлашма акси, тисмолидир.

Одамийлик ҳақидаги тисмол ўзбек халқ ижоди ҳамда бевосита ундан ўсиб чиққан ва у билан ҳамма чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган кўп асрлик ўзбек мутақаббали адабиёти ва санъати асарларида ўзининг бутун кўр-ку таровати ва ранг-баранг қирралари билан мукассамини, биз, минг тасассуф-лар бўлсаним, улардан баҳра олиш йўлида энди-энди илк қадамлар кўя бошладик. Замондошларимиз одоб-ахлоқиди қусур-нуқсонларини асарияти кўп жиҳатдан узоқ йиллар давом этган ана шу беаҳқорлик оқибати, маънавий қашшоқлик невадидир.

Шан тушунчаси эса кишининг ин-сон олдига ҳақиқат томонидан қўйилган талаблардан келиб чиқиб, ўз шахсия-тида қандай фазилатлар мажмуини мукассамлаштириш лозимлиги, қай йўсида фаолият кўрсатиши, қандай хатти-ҳаракат қилиши мабулулиги, ҳулқ-атвор тарзи қанақа бўлиши ҳақидаги умумий тасаввурлар, жумладан, одамий-лик тисмол асосида тарғиб топиб бар-қарорлашди. Маъмуротнинг юксак по-ғонасидан қараганда шан маъмуини дунёвий ёки диний дунёқараш, эътиқод, ахлоқий идеал, турли ахлоқий қону-н ва қоидалар ташкил этади.

Рисоладаги кишида шан туйғуси унда-ги имоннинг бутунлиги, эътиқоднинг мустаҳкамлиги, бурча содиқлиги, ви-ждоннинг поклиги, ўз шахсий қадр-қим-матини ниҳоятда баланд тутиш, ориятнинг қучилиши, ҳақиқат ва адолат йўлида фидойилик, ҳалоллик, ҳақиқатчилик, са-ховатпешалик, раҳм-шафқатчилик, марди-майдонлик, ваъдага вафодорлик, шарҳ-ҳаёилик сингари инсонга шараф кел-тирадиган яна қанчадан-қанча фазилат-ларнинг амал қилиши билан майдонга чиқади.

Инсоний шанининг икки қирраси мав-жуд: ижтимоий ва шахсий шан. Бирин-чиде киши фаолияти ва ҳулқ-атвор тар-зидаги жамият, жамоат, умумий ҳок-сақ баҳоланиб, тегишлича тақдирла-ниш тушунилади. Иккинчисиде эса ки-шининг ўз фаолияти, ҳулқ-атвор тар-зи, фазилатларини бевосита ўзи баҳо-лай билиши, ўз ижтимоий қадр-қим-ма-

тини ўзи чуқур англаши назарда тути-

лади. Ўз шахсиятига нисбатан жамият ва турли жамоа томонидан берилган баҳо-ни тараф англаш оқибатида киши боти-нида ҳаммилла ва ҳар қандай вазиятда ҳам ўз шахсий шанига муносиб хатти-ҳаракат қилиш йўлини, ички рағбатни вужудга келтирадиган, бу — шанининг шахсий фазилатига айланиб кетганидан далолатдир.

Инсон ҳаёти ва фаолиятининг ранг-баранглигига кўра, шан турфа шакл-шамонда жилва қилади. Масалан, унинг ҳондон, оила, оталик, оналик, фарзанд-лик, эрлик, хотинлик, аёллик, қизлик, йигитлик, авлод, халқ, миллат, касб, жамоа, вилот ва Ватан шани сингари шакллари бўлиб уларнинг ҳар бири ўзи-га хос хусусиятлар мажмуи асосида майдонга чиқади.

Надоматлар бўлсинки, ҳозирги кунга келганда одамийлик, одамху-нлик, одамшавандлик ва уларнинг шан-шарафи сингари аждодларимиз томо-нидан асрлар оша ардоқланиб, авлоддан-авлодга муқаддас мерос сифатида ет-казиб келинаётган чинакам ахлоқий қадриятларнинг қадр топиётганлиги ва аксинча, уларнинг ашаддий зидди бўл-ган риёкорлик, алдамчилик, хиёнатчи-лик, ҳаромхўрлик, эрилик, зуравонлик, порахўрлик, ҳушмадгўйлик, иккиюз-ламачилик каби сон-саносиз ахлоқий иллатларнинг бозори эса чаққонлигини тобора кўпроқ кўроқдамиз. Бунинг замирида умр маъносини умумлашарий моҳиятдан келиб чиқиб эмас, балки бутунлай янглиш, қалтирилларча, но-донларча, гоҳо эса тамомла гафрийси-сий фахмилла ва талкин қилиш ётади. Масалан, инсоний умр маъносини қай йўл билан бўлса бўлсин мол-дунё тўплаб, гарра-гарра еб-ичиб, фар-фар кекириб юришдангина иборат деб билиш, ана шундай талкилар жумласидандир. Ва-ҳоланки, инсон егулик-ичуликлардан, латта-путталардан, тоқу ровоқлардан баланд туради!


Эндиликда халқимиз етмиш йиллик гафлат уйқусидан уйғониб, кўзини ях-шилаб очиб қараса, уни нафақат беҳи-соб моддий бойликларидан, айна ма-ҳалда бебаҳо маънавий қадриятларидан ҳам мусиво этибдиладир. Бу аянчи ҳолат-дан ошкоралик ва демократия тўғрисида оғоҳ бўлган ҳамома халқимизнинг бу-тун борлигига қаттиқ оғриқ тушди. О-ғриқни сезиб ва ундан илжиб ортира эрта-роқ қутулиш йўлини ахтаришга кири-шди маънавий соғай бошлашнинг илк аломатларидандир. Жумхуриятимизни маънавий соғломлаштириш учун кура-шини аввало қалбиде зағирдангина бўлса ҳам одамийлик сақлиноб қолган ҳар бир киши ўз руҳини ва дилида (бировда озор, бировда кўпроқ бўлса ҳам, бунинг аҳамияти йўқ!) илдири отиб ётган ахлоқий иллатлардан имкон бори-ча тезроқ фориқ бўлишга интилишдан бошлагани маъқул ва зарур. Бунинг жа-мийатимиз маънавий ҳаётининг тубдан янгилашшига кўз тутиш кўнжори ҳа-лидек бир гап, ҳолос.

Индаллосини айтганда, гап жамия-тида бундан беш йил бурун бошланган кураш оқибатида қилмишларинг — чин инсонлар ёки риёкорлар қўли баланд келиши ҳақида кетмоқда аслида. Одамий-лик билан гафий одамийлик ўртасида-ги ҳаёт ва мамот учун кураш бу! Тарих-ий ҳақиқат, ахлоқ ва қисман Қону-н (зероки, Қонуннинг амри вожиб бўла-диган ҳуқуқий давлат пойдевориини эндигина қуришга киришатириш!) Ҳа-миша одамий инсонлар томониди. Би-роқ на ҳақиқат, на ахлоқ ва на Қону-н ўз-ўзидан ҳаракатланмайди. Уларнинг учаласи ҳам фақат пок ниятди соф кўнгилли, билимдон кишиларнинг маъ-саду фаолияти, жўшқин гайрати тўғрй-лигига ҳаракатта кетади. Бу ёғи ҳар-қимнинг ўз шани, имони, виждонига ҳавола.

Бирор азму қарорга келишдан олдин, илтимос, аэизлар, бобаканонимиз Мирза Ведалининг мана бу рубойлари мағзини қаёқ кўринлар:

Яхшилик-ёмонлик мўлу қўл бунда,
Килишнинг ҳолдан оғоҳ бўл бунда.
Қўлинг олур ул ким, қўлини олдинг
Барчаннинг фойдаси қўлма-қўл бунда.

Содиқ АЛИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.



«ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛИНИНГ КЎЗИ».

Т. Каримов сурат-лаҳаси

Ҳикмат
уммонидан
қатрала

ЭЗГУЛИК ҲАҚИДА

Эй фарзанд, ҳаётини
англамоқ истасанг, атрофда
лиқат билан назар сол. Ҳар
бир ҳодисада, ҳар бир на-
рсада ўзинг учун ибратли
ҳикмат мукассамлигини
кўргайсан.

Одамзод ўзи учун, ўз-
галар учун қай йўсин умр
кечирмоқ керак? Бу бора-
да рандага ўхшамагин, чу-
нки у пайраҳани атрофга
сочиб юборади, яъни бори-
ни ўзгаларга беради, ўзи
қуруқ қолади. Бу борада
тешадек ҳам бўлмагин, чу-
нки у пайраҳани фақат ўзи
томонга тўплайди, яъни ўз-
галарга ҳеч нарса бермай-
ди. Бу борада сен аррадан
ибрат олган, чуқки, у оқило-
на иш тутайди, яъни пайра-
ҳани навбат билан бир ўз-
галарга, бир ўзига, бир ўз-
галарга, бир ўзига раво қи-
ради.

Агар киши эзгу ният
билан ҳақиқат йўлида собит,
барқарор турса, бунинг қатъ-
ийлик дейдиладир. Агар киши
ўзининг нотўғри йўлдалиги-
ни, хато қилганлигини бил-
са ақлидан қайтмаса, бунинг
қайсарлик дейдиладир. Эй фар-
занд, қайсарлиқни кўнглин-
дан йироқ тутти, зор қай-
сарлик ҳайвонга ҳосдир.

Ҳар киши сийратини
пок тўзса, анинг суварти
ҳам доимо тоза бўлғай.
Шини ҳамма аслан бегу-
бордир, шу боисдан гудон
этсалар ҳам ҳар қачон тоза
турғай. Агар қўлдан этсалар
ҳам, ювлагач, сирти яна
сийратидек бегуборлик на-
моён этади.

Тўлқин РАХИМОВ
тайёргала.

СЕПЛИ ЭМАС, ЭПЛИ БЎЛСИН

ОНА меҳрини қуёшга,
қалбини дарёга ўхшатишади,
ҳақ гап. Дарҳақиқат,
Она — бу ҳаёт!

Хўш, қайнона-чи? У қўш
она: ҳам ўғил, ҳам қизнинг
волидан меҳрибон.

Аммо оилавий муносабат-
лар ичиде негидир келин —
қайнона муносабатлари кўп-
роқ тилга олинади. Бунинг
боиси шунданки, ўзга тар-
бия муҳитидан янги оилага
келган қиз, шубҳасиз, бироз
қийналади. Бунинг устига
баъзи қайноналар келинни
хизматга солиб, ўзи томо-
набин бўлиб ўтиришни ороу-
ҳавас, деб билишади. Шун-
дай бўлса-да, яхши тарбия
кўрган, ҳушфёёл келин бош-
қа оилага тушганда ҳам ҳур-
мат ва иззат топишга қод-
ир. Аммо қарс икки қўл-
дан, дейдиладир. Шамол бўл-
са, дарҳақиқат, учин қи-
мирламайди, деб ҳам бежиз
айтишмаган.

Оиладаги тинч-тотувлик,
энг аввало ҳаётнинг аччиқ
чуққуқларини татиган қай-
нонага боғлиқ. Дастлабки
қунардан оқ қайнона келин-
га оиланинг тенг ҳуқуқли
янги фарзанди деб қараб,
ўз меҳр булоғидан уни баҳ-
раманд қила бошлар экан,
бу ҳонадондаги мавжуд
яхши муҳит асло бўзилмай-
ди.

Ана шундайлардан бири,
Шарифа ая Ўлчиёвдир.
Олмиш уч яшар бу аянинг
8 фарзанди бор. Шуллардан
олитмаси ўғил ҳамда ке-
линдаридир.

Алжон, олти овсин
жуда тотув эмишлар. Улар
орасида бирор марта низо
чиққанми?

— Ҳеч қачон. Совуқчи-
лик асосан қайнонанинг ке-
линдарга ола қўз билан қар-
ашидан келиб чиқади.
Мана 24 нафар набира кў-
рибманки, уларнинг ҳеч би-
ровиша шу пайтатча «Ҳой,
келин» деган эмасман. Ҳа-
миша қизим, қизим, дея му-
рожаат қиламан. Аслида
ҳам фарзандларимнинг муф-
ти ҳалоллигини қизларим
да, ахир?

Қизча бу гапларни эшитиб, ҳанг-манг
бўлиб қолди. «Элгон» дедади, бирдан
йиғлаб юборди. Улар уйига етиб келишганда
ҳам у йиғидан тўхтамас эди. Бунинг қўриб
Дилнозанин юраги баттар эзилди. «Афго-
нистондан ҳеч бўлмаса майиб-мажруҳ
бўлиб келганда ҳам майли эди», деган фикр
кўнглидан ўтди.

Ярим соат ўтар-ўтмас кўнгирик чалинди,
беҳитёр она-боло бир-бирига қарашди.
Дилноза эшанини очди, унинг рўпарасида
юзлари тўлғиди, чарқоқ қолда Рауф Маҳ-
мудович сўради. Азия уни кўриши билан
йиғлашадиган тўхтамай олдиға чопиб борди.
Рауф Маҳмудович уни қўлга олар экан,
нима «учун йиғлаётганлигини сўради.
Қизча хўрсиниб аранг деди: «Сиз билан
кеман, адажон», Рауф Маҳмудович нима
қилишини билмай қолди. Азияни йиғла-
тиб ташлаб кетишга унинг виждонини йўл
қўймас, уйда эса хотини, болалари, онаси
хавотир олиб кўтиб ўтиришарди. Рауф
Маҳмудович ўйлай-ўйлай Азияни ўзи би-
лан олиб кетишга қарор қилди.

Азия бир аумда кийиниб машинага чиқ-
ди. Улар уйга етиб келишганда Рауф
Маҳмудовичнинг хотини жўл устида тур-
ган, боиси, киши ўғли Анаваржоннинг
туғилган кунини бўлгани учун уйда меҳмонлар
қўп, аммо эрининг йўқлиги эди. Рауф
Маҳмудович Азияни уйга киргазиб боло-
ларига йиғлатмасдан ўйатинглар, деб та-
шлаб чиқди. Хотини бўлса у кимнинг қизи,
нимага олиб юрибсиз, деб сўриштира бош-
лади. Азия бир пас ўйнаб келганидан
кейин «адаясининг олдиға кириб ўтирди.
Хотини бўлса, нима учун бу қизалоқ ме-
нинг эримга ҳадеб сўйкаловверди, деган
хаёл билан банд эди. Азия бир пасдан
кейин: «Адажон, қорним очдин», деди. Бу
гафни эшитган акиси «Ия, Рауф сенинг қи-

© Инсон ҳаётининг нурли жилвалари

© Қай йўсинда умр кечирмоқ афзал?

© Меҳри қуёш, қалби дарё ют

© Мурғак юрак нидоси

Маданият
янгиликлариЎН ЙИЛДАН
КЕЙИНГИ
УЧРАШУВ

© РСФСРЖда хизмат кўр-
сатган артист, инаниночи
Лев Власенко Тошкентда-
ги «Баҳор» концерт за-
лида фортепиано кечасида
Сирбин ва Раҳманинов
асарларини ижро этди.
Бу мусиқачининг ўзбенис-
тон пойтахтига иккинчи
марта келишидир. Бундан
ўн йил муқаддам у Ўлчи-
ва Чайковский асарларини
ижро этиб тошкентлик
классик мусиқа интибоз-
ларининг қалбини ром эт-
ган эди.

Л. Власенко — Бутунит-
тифок ва Халқаро конкур-
сларнинг лауреатидир. Ле-
кин унинг артистик фао-
лиятида П. И. Чайковский
номли Биринчи Халқаро
конкурсда қатнашганлиги
унутилмас бўлиб қолди.
Инаниночи ўшанда Ван
Клибердан кейинги ўрин-
ни эгаллаб, лауреат бўлган
эди.

ОМИЛКОРЛИК
САМАРАЛАРИ

© Т. Содиқов номли
Тошкент шаҳар маданият
уйининг жамоаси иккунди
ва ижтимоий жағғарма ту-
зишга қарор қилди. Ҳо-
зирнинг ўзида жағғарма
ҳисобиди 120 минг сумдан
кўп пул бор. Бу пулларни
маданият уйи концертлар
ўтказиб, театрлашган то-
мошлар, аҳолига пулли
хизмат кўрсатиб, ишлаб
топан. Маданият мусса-
саси ҳўжалик юртишининг
янги шароитига ўтгандан
сўнг жағғармаини ташкил
этиш имконияти туғилди.

Жағғарма маблаглари
маданият уйи ходимларини
давлошга, уларнинг дам
олишини уюштиришга, ико-
дий хизмат сафарларига,
биноларни тўла-тўқис таъ-
мирлашга, муваффақиятли
ишлаганлиги учун мукофот-
лар беришга сарфланмоқ-
да. Янги йилда эса мада-
ният уйи йигирма беш йил-
лик тарихида биринчи мар-
та ўзининг барча ходимла-
рига бир ойлик маош миқ-
дорига мукофот тўлаш
ниятидадир.



© МОСКВА. Рождество ибо-
датхонасини бож эхромни
ок тошдан тикланган бир гу-
мбазли Рождество Богороди-
ци собори XVI асрнинг бо-
шларида қурилган. Унга бир
неча марта ўт тушган, таъ-
мирланган, қўшимча иморат-
лар қурилган. Ибодатхона-
нинг ёши эса асрлар
қарйига бориб талафди. Ри-
вожларга қараганда унга Ри-
уковок жангининг қаҳромони—
кияз Владимир Андреевич
Храбрийнинг онаси Мария
Койстутьевна томонидан асос
солинган. Иван IV нинг
— князь Василий Ивановични
қўлда-қинди иш қаби воқеа-
лар ибодатхона тарихи би-
лан боғлиқ.

СУРАТДА: Рождество ибо-
датхонасини Рождество Бо-
городици собори (1501—1505
йиллар).

Т. Кузьмина (ТАСС) сурати.

Нодира АБДИРИМОВА.



© Калитников бозорига на
бизир, на лойғарларини, на қор
писанд эмас. Балкиларини, ит-
ларини, мушукларини, улар учун
анжомларини ва озуқаларини
сотиб олиш ёки ялтиштириш
илинки бу ерга қўлаб одам-
ларни жалб этади. Бу ерга
шунчаки томоша қилгани, ке-
лувчилар ҳам кўп. Уларнинг
аксариятини болалар ташкил
этади. Сабоби, бозорини их-
чамгина ҳайвонот боғига қис-
лаш мумкин. Тўғри, бу ерда
филлар, йўлбарслар, қўқ,
Аммо турли-туман балқилар,
мушуклар, турфа рангда то-
лавуқчи тўтиқушлар, бошқа
жониворлар сон-саносиз.

СУРАТДА: Калитников бо-
зори ҳаридорларидан бири.
М. Волков (ТАСС) сурати.Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.Турмуш
чорраҳаларида

ЎКИНЧ

гил бегубор бўлгани учун эшик кўнги-
роғини дадил босди. Азия онасидан олдин
эшикни очиб бақирди: «Ойжон, адам кел-
дилар», — деб Рауф Маҳмудовичнинг
бўйига осилиб, унинг юзидан қўп-қўп-
лидан адалаб Рауф Маҳмудовичнинг қўли-
дан тўшмас, Дилноза бундан хижолат че-
карди. Дилноза ҳамма нарсани столга қў-
йиб чой келтирди. Азия тинмай бидир-
леди: «Адажон, энди мени ташлаб кетмай-
сиз-а, мени ҳам ўқинишга олиб ке-
тинг, мен сизни жудаём соғиндим».

Рауф Маҳмудович қизининг ота меҳрига
зор эканини билиб ич-ичидан эзилди. Бу
орада Рауф Маҳмудович қўлида ухлаб қол-
ган Азияни оҳиста қаровотиға ётқизи-
б юзидан ўйиб қўйди, эшик олдида ҳайрла-
шар экан, Дилнозадан уйга Азия учун
ҳар замонда бир келиб туришга рухсат

мудовиҳа кўнгирик қилди. Азиянинг
харҳашасини, боғчага бормаганлигини
айтди. Шу кунин Рауф Маҳмудович ўзи-
чоклар олиб, Азияни қўрган, яна кел-
ди. Эшикни ҳам галғайда. Азия очиб,
«адаясини киргизди, шодлигидан уни ўт-
казгани жой топмасди. Бу хилдаги таш-
рифлар қўяйиб, Азия унга жуда-жуда
боғлини қолди.

Шу орада Рауф Маҳмудович бир ҳаф-
та келмай қолди. Азия эса оқват ҳам
емай фақат уни кутар эди. Она телефон
қилиб Рауф Маҳмудовичнинг командиро-
кага кетганини билди. Азияни боғчадан
олар экан, унинг «Ойжон, қоринг адам
келиб қолсалар, биз йўқмиз, яна ўқиниш-
ларга кетиб қолмасинлар», дея бидирлаб,
шошлалатганини кўриб, аччиқ ҳақиқатни
айтишга жазм қилди: «Қизим, сенинг аданг
эмас, катта бўлсанг, ҳаммасини тушуни-
раман».

ДИЛНОЗА билан Уктамжон севишиб
турмуш қуришганди. Орадан қўп ўтмай
эрмиша саёғига жўнайди. Афғонистонда
хизмат қила бошлаган эди. Қўнлар кети-
дан ойлор ўтади. Дилноза қиза кўради.
Лекин шуниси аниқларди, Уктамжон қиз-
ни Азияни қўришга эришмайди, ўзга юртда
мердларча ҳалок бўлибди, бу шун қар-
бани Дилноза қўтариши осон бўлмасди, аммо
у бардос берди.

Дилноза ҳамма, бу қасбини яхши кў-
ради. Жамоада ҳам уни ҳамма ҳурмат
қилади, ҳатто, иш жойидан икки хонали
уй ҳам беришди. Бирок уйи узоқ бўлган-
лиги учун ишдан бўшаб, бошқа касалхона-
га ўтишга мажбур бўлди...

Касалхонанинг бош врачин Рауф Маҳ-
мудович Дилнозига разм соларкан уйдади:
«Бу ёшгина қиз нега паршон, нега маънос
қўримади, нималарини ўйлайди эми?»
Дилноза тез орада ишга тушиб, ҳамма
билан апок-чапоқ бўлиб кетди. Азияни
боғчага жўлайтирдир. Олган машоларига
уйини жиҳозлай бошлади. Орадан йил-
лар ўтди. Мана, бугун Азиянинг туғилган
кунин, у тўрт ўшга тўлди. Она дўкандан
ширинликлар, ичимликлар олиб столни
ясатди. Лекин уйга ҳеч ким келмади. Чун-
ки у болалар уйда тарбияланган, ҳеч кими
йўқ эди. Шу оқшом Азия онасидан: «Ой,
менинг адамлар қани, нима учун бошқа-
ларнинг адаси боғчадан уйга олиб келадилар,
менинг адам қаёққа кетганлар!» деб сў-
раб қолди. Дилнозанинг ичи музлаб, стул-
га қандай ўтириб қолганини сўзмади: нима
деса экан, аданг ўлган деса бўлмаса, бо-
ланнинг қўлиги ўқинида, ўзоқ ўйлаб: «Қи-
зим, аданг ўқинишга кетганлар, қачон ке-
лишини билмайман, лекин албатта кела-
дилар», — деди. Ҳшандан бўён Азия ҳар
кунни адасини кутди, лекин онасига бил-

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
30 НОЯБРЬ, 1, 2 ДЕКАБРЬ СОАТ 18 ВА 19.00 ДА
БАСТАКОР АНДРЕЙ ЛИТЯГИН СТУДИЯСИ

машхур «САРОБ» (яккагон хонандаси — Татьяна Овсенко), «БАХМАЛ МАВСУМ» (яккагон хонандаси — Анатолий Ильин) гуруҳлари иштирокида тузилган

ЯНГИ ДАСТУРНИ НАМОИШИ ҚИЛАДИ

Чипталар Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларида ва «УЗСПОРТКОНЦЕРТ» бирлашмасида сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 39-47-22.
Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги
М. Қориеқубов номида Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ

САРОИДА

5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ

Камолиддин РАҲИМОВ

КОНЦЕРТИ

Программани УТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

«ЎЗБЕК КОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ

ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИДА

7 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.30 ДА
8, 9 ДЕКАБРЬ СОАТ 18 ВА 19.30 ДА

«ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

«ҚИЗИҚЧИ — 90» КЎРИГИНИНГ ҲОЛИВИ,
ЛЕНИНВОДЛИК КУЛГИ УСТАСИ

ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ

ТОЖИКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН
АРТИСТ

ҚОДИРЖОН МИРАШУРОВ

(7—8 декабрда)

ХУШОВОЗ ХОНАНДА
АБДУРАУФ ОЛИМОВ

(9 декабрда)

ИЖРОСИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-74-30, 45-92-13.

Ўзбекистон ССЖ маданият вазирлиги

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ
ФИЛАРМОНИЯСИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА

14 ДЕКАБРЬ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА

НУРИДДИН ҲАЙДАРОВ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист
Дилмурод ИСЛОМОВ

артистлар: Моҳиёхона ИСЛОМОВА, Раъно ЗОКИРОВА,
Муҳтарам ҚОРАТОВА.

Программани — Утқир Сиддиқов олиб боради.
Чипталар сарой кассаларида соат 11.00 дан бошлаб
сотилади.

Ўзбекистон ССЖ театр арбоблари уюшмаси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ
ДУСТЛИГИ САРОИДА

1,2 ДЕКАБРЬ СОАТ 18.00 ВА 19.30 ДА

«ЎЗБЕКИСТОН ЮДЎЗЛАРИ» ТЕАТР
СТУДИЯСИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«НАВО» АНСАМБЛИ

хонандалар: Кумуш РАЗЗОҚОВА, Ҳасанбек ва Хусанбек ЖУРАЕВЛАР

Ансамблининг бадий раҳбари — В. БАРАМИКОВ.

ДОНИ ИЛҲОСОВ ГРУППАСИ

хонандалар: Маъмура ҚУРБОНОВА, Фазлдин
ХОЛИМУРДОВ;

ҚИЗИҚЧИЛАР:

ОБИД АСОМОВ,

БОЛТАБОЙ ТОШМАТОВ.

Концерт ҳомийси «ОСИЕ» ассоциацияси.
Дастурни Ўзбекистон телевидениесининг диктори Рахматулла МИРЗАЕВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан ишлади.

ЖАМОА БУЮРТМАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Бизнинг телефонлар: 32-35-53, 45-92-13.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

29 НОЯБРДАН

СИРЛИ НИГОҲ

Шарқий Арабистон мамлакатларида муваффақиятли
гастроллardan сунг

ЭКСТРАСЕНС-ПСИХОЛОГ
ФОЗИЛЖОН ЭТАМБЕРДИЕВ

ЎЗИНИНГ

«СЕҲРЛИ КУЧ»

НОМЛИ ЯНГИ ДАСТУРИГА
ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Бунда томошбинларга ҳинд йоглари мактабининг сирларини очиб берилади, ментал сеҳр тажрибалари, узокдан туриб фикр уқиш, беш метрлик бўлма илон билан жанглар кўрсатилади, шунингдек А. Чумак услуби бўйича сув ва кремларга афсун берилган дам солинади.

Томошалар соат 19.00 да, шанба кунин 15, 18.00 да, якшанба кунин — 12, 15, 18.00 да бошланади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЖОЙЛАШГАН
ЖУМҲУРИЯТ ДАВОЛАШ-ПРОФИЛАКТИКА
МУАССАСАЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИЛМҲОҲЛАРИ, ЎЗ ИХТИРИДА ТЕХНОЛОГИЯ,
ОЗИҚ-ОВҚАТ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-НАЗОРАТ
ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ БЎЛГАН БОШҚА
ВАЗИРЛИКЛАР ВА ИДОРЛАРИНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар

«МЕДТЕХНИКА»

ишлаб чиқариш-савдо корхонаси
қуйидаги манзилгоҳда

30 НОЯБРГАЧА

1992 йил учун

тиббий техника буюмлари учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳияси, Геофизика
шаҳарчаси.

Маълумотлар учун телефон: 64-29-46.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ

ОФИЦИАНТЛАР МАКТАБИ

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



Еши 25 дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб
қайтган йигитлар ва қизлар қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 6 ой.

50 сўмдан 60 сўмгача стипендия берилади.
Ўқиш вақти иш стажига қўшилади.

Битирувчилар Тошкент шаҳрининг ресторанлари
ва қаҳвахоналарига ишга йўлланади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: Тошкент,
Б. Хмельницкий кўчаси, 22-«а» уй. Тошкент
ресторанлар трестининг кадрлар бўлимига.

Транспорт: 3, 11-троллейбусларнинг «Педагогика
олий илмгоҳи» бекати, 6, 2, 14-троллейбусларнинг
«17-поликлиника» бекати, 7, 11, 51, 77-автобуслар-
нинг «17-поликлиника» бекати. Телефон 55-74-61.

Тошкент ресторанлар трести.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш
бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш
корхонаси.

30 НОЯБРЬ СОАТ 10.00 ДА

«АСБОБЛАР ВА ХИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ»

БИНОСИ БЎЛМАСИДА

«ҲАРОРАТИН ЎЛЧОВЧИ АЛОҚАЛИ ВА

АЛОҚАСИЗ АСБОБЛАР» МАВЗУИДА

СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛАДИ.

Маърузачилар — Луцк «Электротермометрия» ишлаб
чиқариш бирлашмаси мутахассислари.

Ҳамама қизиқувчи мутахассисларнинг семинар ишида қатнашишга ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Айни пайтда 360 кбт.ли ҳар бири 18 сўмдан бўлган
ГФЖ фирмаларининг магнитли дискетлари, турли хил
электронлаштирилган ва радиолаштирилган аппаратлари мавжуд.
1991 йили баҳоси 15 минг сўмдан «ИСКРА-4816» ва баҳоси
15 минг сўмдан «ИСКРА-1030.М», центрифуга
масканида «ЦПР-5», баҳоси 19 минг сўмдан Электроника
МС-0585-03» шахсий электрон ҳисоблаш машиналари
турлари учун буюртмалар қабул қилинади.

Бизнинг манзил: Луфтий кўчаси, 2-уй (илгариги
Г. Фулом кўчаси — 4, 9-трамвайлар: 13, 70, 77-автобуслар-
нинг «Оқтепа» бекати).

Маълумотлар учун телефонлар: 78-02-38, 78-40-43.

ЎЗБЕКИСТОН АКЦИОНЕРЛИК

ИННОВАЦИЯ БАНКИ

СИРТҚИ, КЕЧКИ ВА КУНДУЗГИ

БЎЛИМЛАРИГА

1990 йил 1 НОЯБРДАН БОШЛАБ

ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА ТЎЛАНДИГАН
ДАРОМАД МИҚДОРИНИ

1 йилдан 3 йилгача муҳлатли омонатлар бўйича йилига — 5 ФОНЗ;
3 йилдан 5 йилгача муҳлатли омонатлар бўйича — йилига 7 ФОНЗ;
5 йилдан ортиқ муҳлатли омонатлар бўйича — йилига 9 ФОНЗГА ОШИРАДИ.

1990 йил 1 ноябргача очилган муҳлатли омонатларнинг
эгаларига уларни янги шартларда муҳлатли омонатларга
қайта расмийлаштириш ҳуқуқи берилади.

Қайта расмийлаштирилмаган омонатлар бўйича ҳозирги
даврдан мавжуд белгиланган — йилига 4 ФОНЗ ҳисобидан
даромад тўланади.

Банк омонатчилари мавжуд омонатлар эвазига биринчилардан
бўлиб, банк акцияларини харид қилиш ва улар бўйича
муҳлатли омонатлар бўйича ФОНЗ миқдорларидан юқори
бўлган дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Акцияларини чиқариш «ССЖИдаги Банклар тўғрисида
қонун» чиққандан кейин амалга оширилади.

ХУЖАЛИҚ ҲИСОБИДАГИ

ФИРМА

турар жой биносини ишлаб
чиқариш ва қўйиб чиқариш
эҳтиёжлари учун сотиб олади
ёки ижарага олади.
Телефон: 75-55-04.

Тошкент шаҳар, Акмал Икромов
ноҳиясидаги 116-ўрта мактаб
томонидан Исмаил-ходжаев
Рошан Боқидирхон-жаев
номига берилган А—722634
номерли йўқолган 8-синфинг
туғатганини тўғрисидаги
гувоҳнома

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ДИҚҚАТ!

«АСАТ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ

МАРКАЗИ Сиз томондан кўрсатилган
барча марказдаги энгил авто-
мобилларнинг жойларини

ЎЗГАРТИРИШ БЕРИШГА

ТАЙЕР

Маълумотлар олиш учун
телефонлар: 41-01-01, соат
9 дан 18.00 гача.

Дам олиш куни — якшанба.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ

КЕНГАШЛАРИНИНГ

РАИСЛАРИ, КОРХОНАЛАР ВА

ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ГРАНИТ» УРТА ОСИЕ

МОНТАЖ ТЕХНОЛОГИЯ

БОШҚАРМАСИ

товуш кучайтириш аппаратурасини
дойнаш, монтаж қилиш ва соҳалар,
мажислар зали учун нутқлар
ва электрон овоз бериш билан
боғлиқ ишларини бажариш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Иш «калит»га топширилади.

Буюртмалар қуйидаги манзилда
жўнатилсин: 700107, Тошкент шаҳри,
Қирқ-қиз кўчаси, 10-уй.

Телефонлар: 77-35-80, 77-49-31.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ

ДОРИЛФУНУНИНИНГ

МАДАНИЯТ САРОИИ

СОВГАЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ БИЛАН

ҲАРОИИ ЯНГИ ЙИЛ АРЧА

БАЙРАМЛАРИГА БОЛАЛАРНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

«УЧАР ҚЎҒИРҚОҲЛАР БИЛАН» ҚОҢИЛ МЎҶИ-
ЗАЛАР ДЭБ НОМЛАНГАН САРГУЗАШТЛИ ЯНГИ
ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИ ТОМОШАЛАРИДА ҚОРОВО
ВА ҚОРҚИЗ, СИЗ БОЛАЛАР УЧУН АЖОИБ САРГУ-
ЗАШТЛАР, ҚУВНОҚ ҲАЙКАЛ, ҚУТЛОВЛАР, МУЛЬТ-
МОЗАИКАЛАРНИ ТАЙЯРЛАГАНЛАР

Томошалар 1990 йил 29 декабрдан 1991 йил 10 январгача
ҳар кун соат 10, 12, 14, 16.00 да ўтказилади.

Билетлар нақд пулга, шунингдек, ташкилотлар, муассасалар,
ширкатлар, қўшма корхоналарга пул ўтказиш йўли билан
сотилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри,
Талабалар шаҳарчаси, ТошДДнинг Маданият саройи, 27-хона
(28, 34, 87, 100-автобуслар: 4, 8, 20-троллейбуслар: 9,
45-маршрутли таксиларнинг «ТошДД» бекати). Телефон
46-39-55.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси

ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИДА

таржимонлар уюшмаси

ИШЛАБ ТУРИБДИ

Уюшма корхона ва ташкилотларнинг расмий-иш қўғозларини,
муҳрлар, идора варақалари, маҳқама лавҳалари, эълонлар,
шior ва қаҳриқлар, маҳсулот ёрлиқлари матнини ўзбек тилига
расмий-идоравий услубда таржима қилиш билан шугулланади.

Таржималар нақд пул эвазига ёки пул ўтказиш ҳисобига
амалга оширилади.

Манзилнинг: Тошкент—170, И. Мўминов кўчаси, 9-уй,
Тил ва адабиёт институт, 305-хона. Телефонлар: 62-94-07,
62-42-64, 62-43-67.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ

КОМИТЕТИ НАШРИЁТИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

энергетик-муҳандис, лифтверлар фойдаланиш бўйича
муҳандислар, электр монтерлар, матбоачилар, ускуналар-
ни соловчилар, токарлар, чилангир-сантехниклар, юқори
кучлиликни подстанцияларнинг электр монтерлари, авто-
чилангир, автоматотрич, автоэлектрич, Ҳарбюраторчи,
автотараж ҳисобчиси.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри,
«Правда» газетаси кўчаси, 41-уй кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Саноат қурилиш материаллари ва-
зирлигининг

1-САМ» ТОШКЕНТ АВТОКОРХОНАСИ

Ўзининг ишчилар ошхонасини ИЖАРАГА БЕРАДИ

Ошхона манзили: Тошкент шаҳри, Собор Раҳимов ноҳияси,
Дабдобе кўчаси, 52 «а» уй, соат 9 дан 18.00 гача,
ҳар кунин.

Телефонлар: 29-36-58, 29-50-54.

Ўзининг билан ҳужжатлар ва патентни ола кели-
шингиз шарт.

ДОСААФнинг ЛЕНИН НОҲИЯ СПОРТ-ТЕХНИКА КЛУБИ

радио ва телевизион аппаратураларини таъминлайди.

ган мутахассисларни тайёрлаш курсларига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Манзилнинг: Тошкент шаҳри, Ленин ноҳияси, Октябрь
инкилоби кўчаси, 21-уй (1, 5, 26-трамвайлар, 22-ав-
кати).

ТЕАТР

НАВОИИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК

ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА

ТЕАТРИДА — 29/ХІ да Ўзбекистон англи бағетлар, 30/ХІ да Раймонда.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК

ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА

ТЕАТРИДА — 29/ХІ да Хотинлар «Ғап»-идан чиққан ҳангома, 30/ХІ да Тақдир эшиги.

МУҚИМИИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК

ДАВЛАТ МУСКИАЛИ ТЕАТРИДА 29/ХІ да Муҳаббат навоиси, 30/ХІ да Паранжи сирларини.

29 НОЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Москва — «КАНЗАС» (18.20, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КАНЗАС» (тоқ соатларда).

К. Ерматов номи — «ЎЗ КУЧИН БИЛАН» (18